

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“МУСИҚА ВА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ

“Меҳнат дарслари жараёнида ўқувчиларга тикув технологиясининг дастлабки
элементларини ўргатиш” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Меҳнат таълими” таълим
йўналиши битирувчи 4- курс
талабаси Акрамова Моҳира

ИЛМИЙ РАҲБАР:
доцент М. Тўракулов

ГУЛИСТОН 2014

Кириш.

I-БОБ. Тикув технологиялари, кийим тўғрисида умумий маълумотлар.
Кийимларни конструкциялашга доир дастлабки маълумотлар.

- 1.1. Кийимнинг вазифаси ва сифати.
- 1.2. Кийимнинг шакли ва бичимлари. Кийимларни конструкциялашга оид тушунчалар.
- 1.3. Кийимни лойиҳалашда одам қоматининг тузилиши роли. Одам қоматини ўлчаш усуллари.
- 1.4. Кийимни конструкциялашда ишлатиладиган қўшимчалар. Конструкциялаш усуллари ва тавсифи.

II-БОБ. Аёллар ва эркеклар кийимларини конструкциялаш.

- 2.1. Елкада турадиган кийимларнинг конструктив тузилиши.
- 2.2. Аёлларнинг ўтқазма энгли, елкада турадиган кийимларининг чизма асосини қуриш.
- 2.3 Тикув машиналари ҳақида маълумот.

Хулоса.
Мундарижа.

КИРИШ

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ҳозирги даврда тикувчилик ва трикотаж саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналиши технологик жараёни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришдан иборат. Бу йўналишнинг асосини саноатда қўлланиладиган машина ва механизмлар тизими ташкил этади. Мазкур вазифани бажариш учун юқори унумли жиҳозларни қўллаш, уларнинг ишончилигини ошириш, таъмирлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва хорижий сармоядорлар иштирокида янги қўшма корхоналар ташкил этиш керак бўлади.

Ҳозир тикувчилик ва трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш тармоғида минглаб бичиш ускуналари, тикув машиналари, қирқиш ва дазмоллаш пресслари ишлаб турибди. Шу сабабли жиҳозларнинг ишончилигини ошириш мақсадида, таъмирлашда техник хизмат кўрсатишнинг аҳамияти катта.

Адабиётлар таҳлили. Тикувчилик ва трикотаж саноатига қарашли жиҳозлардан фойдаланувчи корхоналар, фирмалар ва маиший хизмат уйлари билан таъмирлаш корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқани такомиллаштириш борасида қатор институт ва лойиҳалаш илмий марказларида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жамиятда содир бўлаётган бугунги янгиликлар ҳамда иқтисодий ўзгаришлар талим тизимида, хусусан, Умумтаълим

муассасаларига бошқача ёндошишни талаб қилади. Шундай экан, Умумтаълим муассасаларида замоннинг ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологиялари билан қуролланган педагог кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. 2001йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 400-сонли қарори бу муаммони ҳал қилишга қаратилган бўлиб, Республикамиздаги Умумтаълим муассасалари педагогларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича қилиниши зарур бўлган чора-тадбирлар кўламини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларда ишлаш жараёнидаги хавфсизлик техникаси ҳақидаги билимларини изчиллик билан бериб бориш услубиётини такомиллаштириш кўзда тутилган. Лекин тажрибалар шуни кўрсатдики Умумтаълим муассасаларида бу муаммоларни ҳал этиш тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Демак, бу борада меҳнат таълими ўқувчиларига тикувчилик машиналарини бошқаришнинг методик тавсиялари етарли эмаслиги муаммонинг ўрганилиш даражасини белгилайди.

Олиб борган тадқиқот ишимизда Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларда ишлаш жараёнига доир ишларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти асослаб берилди. Бироқ Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими ўқувчиларига тикувчилик машиналари ҳақидаги билимларни бериш услубиятига бағишланган тадқиқот ишлар шу кунга қадар деярли олиб борилмаган.

Демак меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиш муаммонинг ўрганилмаганлиги ҳамда бу соҳада фан ўқитувчиларига назарий-амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги ушбу тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот объекти: Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим бериш жараёни.

Тадқиқот предмети: Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим бериш мазмуни.

Тадқиқот мақсади: Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим беришнинг методик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва уни амалга ошириш методларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари,

мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим бериш самаралироқ бўлади. Агарда:

- Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим беришда илғор шакл ва услублар излаб топилса, такомиллаштирилса;

- Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим беришда янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланилса.

Тадқиқот вазифалари:

- Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим бериш ҳажми ва мазмунини аниқлаш;

- Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим беришнинг илмий-назарий асосини яратиш;

- Умумтаълим муассасалари меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикувчилик машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим беришда дидактика тамойилларидан самарали фойдаланиш ва уларни амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, диалектиканинг билиш назарияси, тадқиқотга оид психологик, педагогик, фалсафий, илмий-услубий адабиётлар, халқ таълими вазирлигининг моддий техника базасини такомиллаштириш ҳақидаги буйруқлари, меъёрий ва расмий ҳужжатлари.

Тадқиқот методлари:

- Умумтаълим муассасаларида меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикув технологиялари, машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим беришга доир илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш;

- дастур, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар ва тавсиялар таҳлили;

- Умумтаълим муассасаларида меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикув технологиялари, машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим берувчи ўқитувчиларининг дарсларини кузатиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;

- ўқитувчи ва талабалар билан суҳбат ўтказиш, сўровнома саволларига жавоблар ва ёзма ишлар олиш ҳамда уларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Умумтаълим муассасаларида меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикув технологиялари, машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим беришнинг самарали шакллари, йўллари ва воситалари ишлаб чиқилди;

- Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикув технологиялари, машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим бериш бўйича методик тавсиялар яратилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими фанидан ўқувчиларига тикув технологиялари, машиналари, жиҳозлари, мосламалари ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб билим бериш ҳақидаги материаллар тингловчилар учун маърузалар матнлари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳимояга қуйидагилар олиб чиқилади:

- танланган материал ҳажми ва мазмуни;
- танланган материалларни ўқитиш услублари, шакллари, воситалари, йўллари ва услубияти;

I-БОБ

I-боб. Кийим тўғрисида умумий маълумотлар. Кийимларни конструкциялашга доир дастлабки маълумотлар.

1.1 Кийимнинг вазифаси ва сифати.

Замонавий кийим мураккаб тизим бўлиб унга хос конструкциянинг шаклланиш қонуниятларини тушунмоқ учун, кийимнинг узок ўтмишдаги кўриниши ҳақида маълумотга эга бўлиш керак.

Кийим ҳозирги мукаммал кўринишига мураккаб босқичлар орқали етиб келган. У одамзод ривожланишининг илк босқичларида иқлим таъсиридан ҳимоя топмоқ воситаси сифатида пайдо бўлган. Кийимнинг дастлабки кўринишлари ибтидоий давр одамларининг қабила бўлиб яшаган вақтига тўғри келган. Бу даврда дарахт барглари, похоллар, ҳайвон териларини танага белдан боғлаб юришган. Кийим инсоннинг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти ва онгининг ривожланиши туфайли у ҳам ривожланиб борди. Кийимнинг кейинги кўриниши турли ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларидан тўқилган оддий газламаларни танага ўраб юришдан иборат эди. Қадимги Грецияда эркаклар кийими икки қисмдан – хитон ва гиматийдан иборат бўлган. Хитон – бу ички кийим бўлиб, жун ёки зиғир толали газламадан тайёрланган. Эркаклар бирор юмуш билан қўчага чиқаётганда устки кийим – гиматийни кийиб олишган. Гиматий тўғри тўртбурчак

шаклдаги, 1,7х4 м ўлчамдаги газлама бўлагидан иборат бўлиб, уни елка устида боғлаб ёки елкага ташлаб қуйиб, гавданинг табиий гўзаллиги ва ҳаракат бемалоллигини кўрсатадиган ҳамда унга ҳалақит бермайдиган нафис тахламалар тушириб драпировка қилиб қўйилган.

Аёллар кийими ҳам эркаклар кийимига ўхшаб икки қисмдан иборат бўлиб, улар кийими ёпиқроқ ва узунроқ бўлган. Ички кийими – хитон ва устки кийими пеплос деб аталган. Пеплос 1,5х3,5 м ўлчамдаги газлама бўлагидан иборат бўлган.

Қадимги греклар ва римликлар бундай бурмаланган кийимларни усталик ва юқори дид билан бажарганлар.

Табиатшунослик, само фанларининг келиб чиқиши кийимга ўз таъсирини ўтказган. Кийим газламаси турлари пайдо бўлган (юпка, қалин, шойи, ип толали газламалар). Кейинчалик кийимда тананинг қисмларига алоҳида газламаларни ўраб тайёрлаш, бўйлаб бириктириш меҳнат қилиш учун анча қулайлик туғдирган.

Айниқса, игнанинг келиб чиқиши кийим қисмларини бириктириб тикишда унинг такомиллашишига олиб келган. XIII асрга келиб кийимда ёқалар, енг, манжетлар, чўнтаклар, тақилмалар шаклланган. Бу вақтга келиб кийимнинг ташқи кўринишида, газламасида, бичилишида ўзгаришлар тез ривожланган. Кийимнинг гавдага ёпишган, этаклари ҳажмли, қаватли кўринишлари, газламаларнинг атлас, бархат, мовут каби турлари пайдо бўлган.

Европа мамлакатларида феодализм мустаҳкам қарор топган ўрта асрлар даврида махсус эстетик идеал ва шунга мос костюм характери таркиб топган. Одамзот гавдасининг гўзаллигидан завқланиш номуносиб ва гуноҳ иш ҳисобланиб, гавдани қўполдан-қўпол, оғир, кейинчалик эса чўзиқ шаклларга ўраб ташланган. Тор, юқори қисми қатор-қатор мураккаб тахламалардан иборат, орқа этаги жуда узун, кўйлак жуда баланд конуссимон бош-кийим ва ниҳоятда чўзиқ пойафзал билан бирга қўшилган ҳолда қадди қомат кўринишини ўзгартириб юборар эди.

Ўрта асрларда костюм гавдани турли воситалар (шнурлар, корсетлар) ёрдамида қаттиқ қисиб, табиий шаклдан узоклаштирадиган “филоф” системаси ривож топишини бошлаб берди.

Уйғониш даврида (XVI-XVII асрлар) эстетик дунёқарашни қайта баҳолаш юз берди, яъни гуманистик идеологиялар шаклланди. Бу даврда аёллар кийими жуда ноқулай – қаттиқ, ҳаракатга ҳалақит берадиган ҳолатда бўлган. Икки қаватли кийим бир вақтда кийилиб, белдан этак қисмига каркас ёрдамида конуссимон шакл кўринишида бўлган. Юбка қисмида ҳеч қандай бурмалар бўлмай, каркаста тортиб қўйилган. Кўйлакнинг юқори лиф қисми жуда тор бўлиб, пастга томон бурчак шаклида тугалланган эди. Бу даврда аёллар белни хипча қилиб кўрсатиш мақсадида корсетлар кийишган.

Эркаклар кийими эса сипо ва содда кўринишда бўлган. Каштали кўйлак, кенг камзул, трико ва калта шар шаклига ўхшаб кетувчи панталонлар кийилган.

XVIII аср (Барокко даври) ларга келиб кийимда хашаматдорлик жуда авж олди. Бу давр аёллар кийими шакллариининг назокатлилиги, мураккаблиги билан ва ғаройиб жимжимадорлиги билан фарқ қилган. Костюмда гавданинг бел қисми, кўкрак, бўкса кўзга ташланиб турган. Костюм енгил, нозик бўлиб, бошдан-оёқ унга гул тикилган, толдан, газсимон материалдан, тўқима тўрдан, “кўпчиби” қўйгандек безатилган. Аёллар кўйлагининг безагига алоҳида эътибор берилган. Устки кўйлак кўкрак қисмида бантлар билан маҳкамланган. Бантлар кетма-кетликда жойлашган, яъни аввал катталари, бел томон эса майда бантлар маҳкамлаб қўйилган. Аёллар кийими икки камиза ва котта қисмлардан иборат бўлган. Котта устки кийим бўлиб, юқори қисми жуда тор ва ён ёки

орқада шнурли тақилмаси бўлган, енглари ҳам жуда тор ва узун бўлиб, юбка қисми эса бўлақлардан иборат жуда кенг ва узун шлейфлар билан якунланган.

Бу давр эркаклар ички кийимлари камиза, устки кийими плаш эса табар деб юритилган. Табарларда ён чок бўлмаган ва бу кийим жуда эъзозланган. Эркаклар кийимида ҳам хашаматдорлик сезилиб турарди.

XIX аср бошланиши санъатда, шунингдек, кийимда ампир услуби бўлиши билан характерланади. Бу давр учун фан ва техниканинг гуркираб тараққий этиши, янги-янги материаллар, тикув машинаси пайдо бўлиши характерли эди.

Костюмда қатор-қатор шакллар, силуэтлар, каркаслардан (корсет ва кринолиндан) халос бўлиш ва гавдани эркин кўрсатиш секин-аста сезила бошланди. Эркаклар тик ёқали оқ кўйлак, галстук ёки шарф, фрак кия бошлаганлар. Аёллар кийими оддий ва сипо кўринишга эга эди. Костюмнинг бел қисми юқорироқда бўлиб, юбка қисми эса шлейф, юмшоқ тахламалардан иборат бўлган. Тантанали кийимлар жуда очик ва узун шлейфли қилиб тикилган.

Костюмнинг асосий интилиши одам ҳаракатларига максимал даражада мос бўлишдан, одамни эзмаслик, уни ўзига бўйсундирмасликдан, балки унинг ҳаётий манфаатлари изидан боришдан, индивидуалликни рўёбга чиқаришдан иборат бўлган.

XX аср дунёдаги бўлаётган воқеалар кийимга ўз таъсирини ўтказди. Шу асрнинг 20-йиллар кийимида ихчамлаштириш, узунлигини калталаштириш, этакларини торайтириш, оддий бичимлиликни кўриш мумкин.

30-40-йиллардан сўнг кийимни кийилиш ўрнига қараб услуб бўйича кийиладиган бўлди, яъни классик, спорт, фантазия услуби ва кейинчалик эркин услуб пайдо бўлди.

Классик услубда – расмий кўринишда кўчалик кийимлар тушунилса, спорт услубида фақат спорт машғулотлари учунгина эмас, балки ҳаракат қилиш учун, турли ишлар учун, актив дам олиш учун қулай кийимлар, фантазия услубда эса байрам, тантанали кийимлар кўзда тутилган. 70-80-йилларда кўпроқ эркин услубдаги кийимлар пайдо бўлиб, уларда классик, фантазия услублари ўз кўринишини беради.

50-60-йиллардан бошлаб янги хусусиятли материаллар ассортименти кийим конструкциясига ва шаклига катта ўзгаришлар киритди.

70-80-йилларда кийим бичими ва шакли мураккаблашиб, унинг конструктив тузилишига кўпроқ аҳамият берилди.

Шундай қилиб, аввал инсонни иқлимий таъсирлардан муҳофаза қилиш учун яратилган кийимнинг, кейинчалик, турли тарихий ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар, миллий хусусиятлар ва жамиятдаги эстетик тасаввур эволюцияси таъсири остида шакли ва хиллари ўзгариб, кийим амалий санъат объектига айланди.

Инсоннинг кундалик ҳаётида озиқ-овқат ва уй-жойдан ташқари, кийим ҳам катта аҳамиятга эга. У инсонни иссиқ, совуқ ва ёғинлар каби об-ҳавонинг турли ноқулайликларидан муҳофаза қиладиган энг зарур нарсадир. Одам бошини капюшон ва шапка билан бекитса, тана ва оёқ-қўлларини комбинзон билан; танасининг юқори қисмини пиджак, жакет, блуза, кўйлак, пастки қисмини эса — шим ва юбкалар ёрдамида муҳофаза қилади.

Кийим-одам танасини бекитиб, ташқи тасирлардан муҳофаза қилувчи ва эстетик вазифани бажарувчи буюм ёки буюмлар мажмуидир.

Пойабзал эса кийимни тўлдириб, у билан бирга ансамбл ёки комплект ҳосил қилади. Кийим муҳофаза вазифасидан ташқари, ахборот вазифасини ҳам бажаради, чунки у ҳар доим ва ҳамма жойда инсоннинг ижтимоий мансублиги ҳамда касбий фаолиятини билдиридиган рамзий белгиси бўлган. Кийим нафақат истемол маҳсулоти, балки уни амалий санъат асаридек баҳолаш мумкин. Бу ҳақда дунё миқёсида турли музейларда тўпланган кўплаб тарихий ва халқ кийимлари намуналари далолат беради: Демак, кийим эстетик фазилатни ҳам бажаради.

Инсон ҳаётининг турли вақтида (уйда, хизматда, ҳордиқ чиқаришда ва ҳ.к.) шароитига мос ҳолда турли кийимлар кийилади. Айни шу боис кийимларни маиший, ишлаб чиқаришга мос ва спорт кийимлари каби турларга ажратиш мумкин.

Кийимларнинг маиший тури энг катта гуруҳ бўли, у бир вақтнинг ўзида химоявий, ахборот ва эстетик вазифаларни бажаради. Истемол шароитига қараб маиший кийимлар кундалик, башанг ва уйда кийиладиган кийимларга бўлинади.

Ишлаб чиқаришга оид кийимлар инсонни саноатга хос зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишга мўлжалланган. Бундай кийимлар махсус (ўт ўчирувчилар, қурувчилар ва ҳ.к.) ва расмий (ҳарбий хизматчилар, темир йўлчилар кийими ва ҳ.к.) кийим турларига бўлинади.

Спорт кийимлари спортчиларнинг юксак ютуқларга эришиш йўлидаги ҳаракатлари жараёнида шикастлардан химоя қилади. Спорт кийимлари айрим спорт турларига қараб фарқланади: теннисчилар кийими, футболчилар кийими ва ҳ.к. Спорт кийимлари мусобақаларда томошабинлар олдида эстетик вазифани ҳам бажариши керак.

Ишлаб чиқариш ва савдо амалиётига кўра кийимлар ич кийим, кўйлак, костюм устки кийимларга ажратилади. Ич кийимлар бевосита танага кийилади. Уларга иштон ва ички кўйлақлар киради. Ич кийимлар устидан кўйлак ёки костюмлар кийилади. Уларнинг устидан эса устки кийимлар – полто, калта палто, плаш кийилиши мумкин.

Кийимнинг ҳар бир тури ўзига мос толалар таркибидан иборат газламалардан тайёрланади. Шу боис барча кийимлар ип, зиғир, жун, ипак, синтетика ёки улар аралашган материаллардан тайёрланади.

Кийим ҳар доим кийилади, шу боис у фаслга қараб , ёзги, қишки, кузги – бағорги, ҳамма фаслга мос кийимлар каби таснифланади. Ёзги кийимларга сарафан, шорти, кўйлак кирса, қишки кийимларга пиджак, плаш, палто кабилар киради.

Маиший ва спорт кийимлари эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган турларга ажратилади. Махсус кийимлар фақат эркаклар ва аёллар учун чиқарилади. Кийим аҳолининг жинси ва ёшига қараб ҳам таснифланади.

Ҳар бир инсон ўз ҳаёти мобайнида танасининг мутаносиблигини (пропорцияларини), ўлчови (размери) ва бўйи ўзгаришини кузатади. Бундан ташқари, бир хил ёшдаги ва бир хил жинсли одамлар размери (ўлчови) ҳамда бўйи билан фарқланади. Ҳар бир инсонга мос кийим танлаш мақсадида кийимлар размер ва бўйлар бўйича ҳам таснифланади.

Кийимнинг сифати деганда, унинг вазифасига кўра инсондаги муайян талабларни қондиришга ярайдиган хусусиятлари тушунилади. Демак, кийим сифати талаблар орқали аниқланса, истемолчи талаблари эса кийимнинг сифатига нисбатан қўйилади, яъни сифат ва талаблар ўзаро боғланган. Улар инсон талабларини қондирадиган қуйидаги хусусиятлардан иборат:

Эстетик талаблар. Эстетик хусусиятга эга бўлмаган кийим фойдасиз буюмга айланади, чунки у ўз мақсадли функциясини – инсоннинг эстетик талабини қондирадиган ўзига хос хусусиятини бажара олмайди.

Эстетик эҳтиёж, гўзаллик қонунларига кўра, инсоннинг гўзалликка ва ижодга бўлган талабларини билдиради.

Гигиеник талаблар. Танадаги ҳаво алмашинуви даражасини билдиради. Ушбу талаблар кийимни тузувчи материалларнинг ҳаво ўтказувчанлиги ҳамда кийимнинг конструкцияси (тузилиши)га боғлиқ.

Эксплуатацион талаблар. Кийимнинг истемол даврида шаклини сақловчанлиги, чидамлилиги, чокларнинг пишиқлиги орқали намоён бўлади.

Тикувчилик устахоналарида иш ўрнини ташкил қилиш.

Тикувчилик устахоналари кенг, ёруғ, қуруқ ва озода бўлиши керак. Девор ва мебелларнинг ранги катта гигиеник ва педагогик аҳамиятга эга. Шунинг учун деворлар оч, сокин рангларга бўялиши лозим. Устахона табиий ва сунъий жиҳатдан яхши ёритилган бўлиши керак.

Устахоналар икки кишилик ўкув столлари, ёзув тахтаси, магнитли тахта, керакли миқдорда тикув машиналари ва қўл ишларини бажариш учун иш столлари, бичиш столи ва манекенлар билан жиҳозланади.

Ўтириш учун имкон борица баланд-пастлиги ростланадиган винтли ўриндиқлар қўйилади.

Тикув устахонасида кўзгу ва кийим илгичлар билан жиҳозланган, кийиб кўриш кабинаси бўлиши керак. Тикув буюмларини намлаб - иситиб ишлаш учун дазмол, дазмол тахтаси, дазмол тагликлари билан жиҳозланган алоҳида жой ажратилади.

Асбоб - ускуналар, жиҳозлар, кўргазмали қўлланмалар, иш намуналари махсус шкафларда сақланади.

Устахонада албатта биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар билан таъминланган аптечка бўлиши зарур.

Тикув устахоналарида қуйидаги кўрсатмалар кўринадиган жойларга осиб қўйилади.

1. Тикув устахонасининг ички тартиб-қоидалари.
2. Ҳавфсизлик техникаси қоидалари.

3. Меҳнат, ҳунар ҳақида ҳикматли сўзлар.

4. Маҳсус адабиётлар, альбомлар жойлаштирилган витрина.

Тикувчилик устахонасини жиҳозлаш, иш ўринларини тўғри ташкил этиш ҳавфсизлик техникаси, санитария-гигиеня қоидаларига ва эстетик талабларга мос равишда бажарилганда меҳнат қўникмаларини шакллантиришга, меҳнатга тўғри муносабатни ва меҳнат маданиятини тарбиялашга имкон яратилади.

Ҳавфсизлик техникаси қоидалари.

Ҳавфсизлик техникаси меҳнат қилиш учун ҳавфсиз шароит яратишга қаратилган чора тадбирлар системасидан иборат.

Тикувчилик дарсларида машиналарни, дазмоллар ва қўл асбобларини ишлатаётганда қўлга игна кириб кетиши, қўлни нимадир кесиб олиши, машиналарнинг айланиб турадиган қисмлари кийим ёки сочни ўраб кетиши, дазмолда бирор жой қуйиб қолиши, тугма ёки игна парчалари учиб юзга тегиши ва ҳоказо натижасида ўқувчилардан биронтаси жароҳатланиб қолиши мумкин.

Ҳавфсизлик техникаси қоидалари шундай нохушликлар ёки бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Тикувчиликда ўқувчилар учун бу қоидалар асосан икки гуруҳга бўлинади:

1. Қўл ва машина операцияларида ишловчилар қуйидагиларга риоя қилиши керак:
 - машиналар, асбоб ва мосламаларнинг ишга яроқлиги текшириб турилади. Иш бошлагандан олдин иш ўрни саранжомланиб олинади, машинада бармоққа игна кириб кетишининг олдини оладиган сақлагич, юритгич тасма тўсиғи, машинани ишга тушириш жойларида изоляция ғилофлари бор - йўқлигини текширилади ва ҳоказо;
 - электр симларига ип, латта, симчалар осмаслик лозим, акс ҳолда қисқа туташув юз бериши мумкин. Симларда нуқсон сезилса, дарҳол электромонтёрга хабар бериш, очилиб қолган симларга қўл теккизмаслик керак;
 - нарсаларни ишлаётган машина устидан узатиш мумкин эмас;
 - электр двигателни ўчирмасдан машинага мой суриш, уни тозалаш, машина шкивиге тасма кийдириш ман этилади.
 - иш ўрнида асбоблар сочилиб ётмаслиги, қайчи ва иплар машинанинг айланаётган қисмлари ёнига қўйилмаслиги керак;
 - иш ўринлари орасидаги йўлни тўсиб қўймаслик лозим.
2. Дазмол билан ишлаганда қуйидагиларга риоя қилишлари керак.
 - электр дазмолда иш бошлагандан олдин шнур изоляцияси текшириб қўрилиши лозим;
 - дазмол, штепсель розеткаси, вилканинг ток ўтказувчи қисмларига қўл теккизиш мумкин эмас;
 - дазмолнинг тузуклигига аҳамият бериш зарур (корпусда қисқа туташув бўлса, ишлаётганда қўлга салгина игна санчилгандек бўлади);
 - ишлаётганда шнур дазмолга тегиб турмаслиги керак;
 - дазмолнинг ўта қизиб кетишига йўл қўймаслик лозим;
 - дазмол, штепсель резеткаси, вилка бузуқ бўлса, ишни тўхтатиб, электромонтёрни чақириш керак.

1.2. Кийимнинг шакли ва бичимлари. Кийимларни

конструкциялашга оид тушунчалар.

Қадим замонларда пайдо бўлган кийим одамзод ривожлиниши билан шакли ўзгариб келган. Кийим тараққиётининг илк босқичи тана махсус тўқилган мато бўлаги ёрдамида ўраш билан характерланади. Бундай кийим елкага ташланган ҳолда, қомат шаклини ифодаламайди. Кейинчалик кийим олд ўртаси бўйича очилди. Бундай кийимларда бел чизиғи белбоғ ёрдамида ифодаланди. Яхлит бичилган кийим шаклан мураккаблашди. Кийим елкада турса ҳам, қомат витачка ва тасмалар ёрдамида ифодаланди. Белидан кўнданг тепа ва этак қисмига бўлинган кийим шаклан мураккаблашди. Кийимнинг тепа қисми қисми танага ёпишиб, елкада турса юбка эса бел ва бўксада турар эди.

Замонавий кийим кўриниши одам танасининг пропорцияларига мос ҳолда тузилган бўлади. Кийимда бел чизиғи билан бўлинган тепа қисми-леф ва пастги қисми-юбка ёки шим ажратади.

Кийимнинг ташқи кўриниши шакли ва силуети билан характиланади.

Кийимнинг шакли юмшоқ катта ҳажмли ёки сипо, контури ўткир бурчаксимон, кичимк ҳажмли бўлиши мумкин. Кийимнинг ҳажми унинг танага нисбатан жойланишига боғлиқ. Катта ҳажмли кийимнинг баъзи нуқталари танага тегиб турса, кичик ҳажмли кийим танага зич ёпишиб туради. Кийимнинг шакли қоматни ифодалироқ кўрсатади ёки умуман билинтирмайди.

Кийимнинг шаклини чегаралайдиган чизиқлар силуэт чизиқлари дейилади. Елка, кўкрак, бел ва этак чизиқлари кийим силуэтини ташкил этади. Кийимда тўртта силуэт фарқланади: тўғри, қисман ёпишган, ёпишган ва трапетциясимон.

Тўғри силуётда бел чизиғи бўлмайди ва этак билан тенг елкалари тўқисроқ бўлиши керак. Бу силуэт тўғри бурчакли тўртбурчаксимон кўринади.

Қисман ёпишган силуётда кийим кўкрак чизиғида кичик ҳажмли бел ва бўкса чизиқларида ёпишган силуётга нисбатан тўқисроқ этаги кенгроқ.

Трапетциясимон силуётда кийимнинг тепа қисми кичик ҳажмли, яъни кўкрак чизиғида ёпишиб туради, этаги эса кенгайтирилган бўлади.

Кийимнинг юзаси конструктив чизиқлар ёрдамида айрим деталларга бўлинади. Кийим қуйидаги асосий деталлардан тузилиши мумкин: орт бўлак, олд бўлак, енг, ёқа, юбканинг олд бўлаги, юбканинг орт бўлаги, шимнинг олд бўлаги, шимнинг орт бўлаги. Ушбу асосий деталлар тана тузилишига ва ҳаракатдаги ўлчовларнинг ўзгаришига ниҳоятда мосдир. Гавданинг симметрик тузилишига мос ҳолда кийим ҳам икки симметрик бўлақлардан тузилади. Кийимнинг асосий деталлари чоклар ёрдамида бириктирилади.

Асосий деталларнинг шакли кийимнинг бичимига боғлиқ. Кийим бичими деганда, энг асосий деталлар билан уланган чизигининг шакли, олд ва орқа бўлақларнинг вертикал ҳамда горизантал чизиқлари билан бўлган шакли тушинилади.

Енгнинг шакли бўйича қуйидаги кийим бичимлари фарқланади: ўтказма енгли, реглан енгли, яхлит бичилган енгли. Ушбу уч хил бичимларнинг бирикмалари комбинатциялаштирилган бичимни ташкил этади.

Ўтказма бичимли енгли бичимда олд ва орқа бўлақларнинг елка ва ён чоклари бириктирилган ёпиқ ўмизга ўрнатилади.

Реглан бичимда енгнинг уланиш чизиғи орқа ёқа ўмизидан олд ёқа ўмизигача ўтади. Айни ҳолда кийимнинг елка қисми енг билан тўлиб туради. Яхлит бичилган енгли буюмларда олд бўлақ енгнинг олд бўлағи билан, орқа бўлақ эса енгнинг тирсак бўлағи билан яхлит бичилади.

Ушбу бичимларнинг турли бирикмалари комбинатциялаштирилган бичимни ҳосил қилади. Масалан, буюмнинг олд бўлағи енг билан яхлит бичилган бўлса, орқа бўлақ ўтказма енгли бўлиши мумкин. Ёки орқа ўтказма енгли, олд эса реглан.

Олд ва орқа деталларнинг вертикал конструктив бўлиниш чизиқлари буюмнинг қуйидаги бичимларини аниқлайди: ён чокли бичим, бўртма чокли бичим, орқаси ўрта чокли бичим.

Горизонтал конструктив бўлиниш чизиқлари асосий деталлар қакеткани ёки бели қирқмали бичимларни аниқлатади.

Кийим одам танасини қисман ёки тўлиқ бекитади. Кийим қулай бўлиши учун, у одам гавдисининг ҳам шаклида, ҳам ўлчамларига мос бўлиши керак.

Кийимни конструкциялаш – бу ясси материалдан одам танасининг қолаб турадиган ҳажмли қобикни яратиш жараёнидир. Ясси материал бўлағи билан одам танаси ўраб, тананинг чиққан жойлирига бурма, тахламалар ясаб, ортиқчасини қирқиб, танага кийиладиган фазовий қобик тайёрлаш мумкин. Конструкциялашнинг бу усули муляж дейилади. Ҳозирги вақтда муляж усули ёрдамида янги, антиқа кийим конструкциялари тайёрланади. Лекин ясси материалдан кийим деталларини дастлаб бичиб, сўнгра уларни ўзaro бирлаштириб, фазовий қобикни яшаш ҳам мумкун. Бу конструкциялашнинг бошқача – ҳисобли усули. Бирлаштириладиган деталларнинг керакли шакли аввал ҳисоблаб, чизилади. Ҳисоблар ва чизма одам танасининг турли жойларидан ўлчаб олинадиган ўлчамлар ёрдамида бажарилади. Текисликда куб қобигининг чизмасини қуриш осон. Цилиндр қобигининг чизмаси ҳам баландлиги ва асосининг диаметри бўйича осон ҳисобланиб чизилади. Шар қобигининг аниқ чизмасини қуриш мумкун эмас, лекин амалда бу ҳажмийликнинг фақат тахминий қобиғи чизмасини қуриш мумкин. Одам танасининг шакли жуда мураккаб. У худди бир талай ўзаро кесишган цилиндрлар ва шарлар юзасидан тузилгандек туйилади. Айни

шу боис одам танасининг тахминий қобиғини чизиш мумкин. Бундай чизмани қуриш учун одам тмумкинанасининг ҳамма жойларини ўлчаш, яъни ўлчамларини олиш керак.

Кийим одатда одам танасига зич ёпишиб турмайди, ҳар доим кийим сатҳи билан тана орасида маълум масофа бўлади. Бази жойларида бу масофа жуда кичик, бази жойларда эса каттароқ бўлади. Одам танасининг ўлчамларининг фарқи қўшимчалар дейилади. Қўшимчалар кийимнинг одам танасига нисбатан жойланишини билдиради. Кийим ёки деталларнинг тахминий чизмасини қуриш учун одам танасидан олинган ўлчамлардан ташқари, ҳар биттасига қўшимча қийматни ҳам билиш керак. Ушбу дастлабки маълумотлар ёрдамида қурилган чизма кийим конструкциясининг асосий чизмаси дейилади.

Асосий кониструкция чизмасига таяниб, бир–биридан фасон элементлари (узунлиги, енг ва ёқасининг шакли, чунтак, тақилмаси) фарқланадиган қатор буюмлар – модиллар конструкциясининг чизмасини қуриш мумкин.

Кониструкциянинг фақат тахминий чизмасини қўриш мумкинлиги боис, унинг айрим элементларининг шакли ва ўлчамлари кийим ўрнашувининг назорати жараёнида аниқланади.


Конструкция тузиш жараёнини қуйидаги кетма-кет бажариладиган ишлар қаторидек қўриш мумкин:

- дастлабки маълумотларни йиғиш: одам танасининг ўлчамларини олиш ва қўшимчаларни танлаш;
- дастлабки маълумотлардан фойдаланган ҳолда конструкция асосининг чизмасининг қуриш;
- чоклар ва букланишлар ҳақида ҳисобга олинган ҳолда конструкция асосининг чизмасидан олинган деталларнинг андозаларини қуриш;
- газламани бичиш ва макет ўрнашувининг назоратини ўтказиш;
- асосий конструкциянинг аниқланган чизмаси бўйича турли моделлар деталларининг чизмасини тайёрлаш.

Кийимнинг шакли муҳим композицион элементлардан бири ҳисобланиб, уни янада чуқурроқ тадқиқ қилишда маълум бир жиҳатларни эътиборга олиш зарур (3), яъни:

- газлама тури, унинг фактураси, ранги, безаклари, чизиқлари, кўзга ташланадиган чоклари;
- тананинг турли нуқталарида кийимни гавдага ёпишиб туришига кўра тўқислик даражаси;
- кийим шаклининг ички тузилиши;
- одам қоматининг пластик шакли.

Кийимнинг ташқи шаклини асосан силует, конструктив ва декоратив чизиқлар ташкил этади.



1-расм. Аёллар кийимларининг асосий силуетлари

Силует чизиқлари (елка, бел ва этак чизиқлари, шунингдек, кийимнинг олд ва ён ташқи қиёфасини идрок қилишга ёрдам берувчи чизиқлар) - шаклнинг ташқи контурларини чегараловчи чизиқлар ҳисобланиб, кийимнинг ҳажмий шаклини аниқлайди. Замонавий кийимни моделлаштириш жараёнида барча ёшдаги истеъмолчиларнинг ўлчам ва ўлчалик гуруҳларига мўлжалланган бир неча етакчи силуетлар қабул қилинган. Улардан учтаси, яъни тўғри (1-расм, а), ёпишган (1-расм, б), бир оз ёпишган (1-расм, в) силуетлар кўп йиллар мобайнида мода ўзгаришларига қарамай, асосий, классик силуетларга айланган. Кийим шаклининг текисликка туширилган энг ифодали проекцияси костюмнинг силуети деб аталади. Бу французча сўз бўлиб, ҳар қандай предметнинг ташқи контур чизиқлари, унинг сояси шундай деб аталади. айрим даврларда этаги кенгайган ёки торайган трапециясимон силуетлар ҳам модали кийим ҳисобланган (1-расм, г).

К о н с т р у к т и в ч и з и қ л а р (чоклар) - кийим шаклини бичилган деталлар орқали ҳосил қилиш учун кийим сиртини айрим деталларга бўлади. Асосий конструктив чокларга елка, ён, енг ва бўйин ўмизи, енг чоклари киради. Бу чоклар кийим сиртида деярли кўринмайди.

К о н с т р у к т и в – д е к о р а т и в ч и з и қ л а р ҳам шакл ҳосил қилувчи, ҳам декоратив вазифаларни бажарувчи чизиқлар ҳисобланади. Уларга рельеф чоклари, кокеткаларни улаш чоклари киради. Витачкалар ҳам шакл ҳосил қилишда иштирок этиб, улар деталнинг бутун узунлиги ёки кенглигидан ўтмайди, балки айрим қисмидан ўтади.


Д е к о р а т и в ч и з и қ л а р - декоратив вазифаларнигина бажарувчи чизиқлар ҳисобланиб, уларга ёқа, борт ва борт қайтармасининг контур чизиқлари ҳамда турли безатувчи деталлар (қўйма бурмалар, икки томонлама қўйма бурмалар, тасмалар, тўрлар, безак деталлар, фурнитура, кашгалар, бантлар)нинг чизиқлари киради.

Конструктив ва конструктив-декоратив чизиқлар тана қисмларининг бириккан чизиқларидан (бўйин ва тана, қўллар ва тана ва ҳоказо) ёки тананинг бўртган ёки кирган жойларидан (елка, ён, рельеф чоклари) ўтади.

Одам танасининг симметрик шаклга эга бўлганлигидан кийимни асосан иккита симметрик деталлардан тайёрланади: орқа бўлакда кўпинча ўрта чизиқ лойиҳаланади, этагигача тақилмали буюмларда олд бўлак икки қисмдан иборат бўлади. Орқа ва олд


бўлақларда газламанинг танда ипи йўналишини бир хилда бўлишига эришиш мақсадида газламалардан тикиладиган кийимларда елка чоклари бўйлаб ҳам кийим деталлари ажратилади. Кўп йиллик тажрибаларга асосланиб, кийим сиртини тана қисмларига мос ҳолда янада мукамалроқ бир қатор бўлақларга бўлиш ишлаб чиқилди. Елкали кийим сиртини турли шаклларга ажратилган типик кўринишини бир неча асосий деталлардан ташкил этилган эркаклар пиджаги деталларида кўриш мумкин (2-расм).

Айрим моделларда ҳар бир детал ўз навбатида мода йўналиши ва фасон бичимига мос ҳолда бир неча деталларга бўлиниши мумкин. Бу бўлиниш шаклининг ичида бажарилиб, моделнинг яхлит кўринишини бузмайди (3-расм).



2-расм. Эркаклар пиджагининг асосий деталлари:

1-орқа бўлақ, 2-қирқма ён бўлақ, 3-олд бўлақ, 4-остки енг қисми, 5-устки енг қисми,
6-остки ёқа, 7-устки ёқа қайтармаси, 8-ёқанинг қирқма кўтармаси.






3-расм. Пиджак орқа бўлагининг бўлиниш турлари:
а-икки чокли, б-уч чокли, в-кокеткали, г-бел қисмидан қирқилган,
д-олпи чокли

Кийим бичими. Кийим деталларининг шакли ва ўлчамларига таъсир этувчи асосий омиллардан бири унинг бичими ҳисобланади. Елкали кийим бичими асосий белгиларига қуйидагилар киради: енг бичими (енгнинг енг ўмизи билан уланиш шакллари), асосий деталларнинг (олд ва орқа бўлақлар) бўйлама (рельефлар) ва қўнғдаланг (лифнинг юбка билан уланиш тури ва кокетканинг мавжудлиги) бўлинишидир.

1-чизма

Елкали кийим сирти деталларининг бўлиниши





Енглари кийимнинг асосий деталлари бўлган олд ва орқа бўлаклар билан уланиш тури ва силуетли шакли бўйича бир-биридан жиддий фарқланадиган ўтказма, реглан ва яхлит бичилган асосий бичимларга ажратиш мумкин. Лекин реглан ва яхлит бичилган енглари ўтказма енгдан ҳосил бўлган. Ўтказма енг, ўз навбатида, шакли ва бичими бўйича оддий ва чуқурлаштирилган ўмизга мос енглари ажратилади. Енглари оид асосий бичимларнинг турли бирикмалари қўшимча равишда ҳосил бўлган, янги комбинациялаштирилган бичимлар хилини ташкил этади. Масалан, орқа бўлак яхлит бичилган енг, олд бўлак эса ўтказма енг ва ҳ.к. Ўтказма енгнинг асосий деталлар билан бириктирма чоки қўл тана билан бирлашган чизикка яқинлашиб ўтади.

Реглан бичимидаги буюмларнинг ўзига хос хусусияти ёқа ўмизидан бошланадиган енг ўмизидир. Шу сабабли реглан енг тикувчилик буюмининг юқори қисми билан бирга бичилади. Олд ва орқа бўлаклари енг ўмизи елка чизигининг исталган нуқтасидан бошланса ярим реглан бичими ҳосил бўлади.

Енги яхлит бичилган буюмларда енг орқа ва олд бўлаклари билан бирга мўлжалланган ўмиз чизиги бўйича чоксиз яхлит бичилади.


Турли бичимдаги енглари бир неча бўлаклардан тузилиб, улар бир, икки ва уч чокли бўлиши мумкин. Шунингдек, кийимнинг олд ва орқа бўлаклари ҳам бир неча бўлақдан иборат бўлиши ҳам мумкин (3-чизмага қаралсин).

Кийимларнинг конструктив характеристикаси. Кийимнинг конструктив тузилиши бир неча ҳолатлар билан характерланади, яъни кийимнинг бичими ва силуети, деталларининг шакли, бирикма чоклар ва материаллар турлари.


Жуда кенг тарқалган ўтказма енгли кийим деталларининг типик конструкцияси эркалар пиджаги мисолида 2-расмда келтирилган. Реглан бичимли кийим конструкциясининг деталлари 4-расмда, яхлит енгли кийим конструкциясининг деталлари эса 5-расмда келтирилган. Яхлит бичилган енгли буюмлар деталларининг конструкциясига ҳослик енгининг олд ва орқа бўлаклари билан бирлаштирилишидир. Қалта енг ўмизли яхлит бичилган кийим конструкциясига ўмизни кенгайтириш мақсадида махсус хиштак қўйилади.

Аёллар ва қизлар кийимининг олд бўлак конструкциясига, кўкрак атрофида ҳажмийликни таъминлашга мўлжалланган кўкрак витачкаси ҳосидир. Кўкрак витачкаси

нафақат конструктив аҳамиятга эга, балки у модел учун турли кўринишларни таъминлайдиган асосий декоратив восита ҳам ҳисобланади.



4-расм. Реглан бичимли кийимнинг асосий деталлари
а, б – устки кийимлардаги икки ва уч чокли реглан энг, в, г – кўйлақлардаги бир ва икки чокли реглан энг.



5-расм. Яхлит бичилган энгли кийимнинг асосий деталлари
а – хиштакли, б – кимоноли.

Шакллантириш воситалари. Кийимга хос ҳажмийликни муайян шаклнинг конструктив ва технологик воситалари, намлаб-иситиб ишлов бериш (кириштириш ва чўзиб узайтириш), материалларни шакллантириш хусусиятлари ва уларнинг комбинациялари орқали таъминлаш мумкин (6-расм).





6-расм. Кийимни конструкциялашда асосий шакллантурувчи элементлар

Конструктив воситаларга детал чизиқларининг шакли киради. Кийимга хос хажмийликнинг ҳосил бўлишини қуйидаги тажрибада кузатиш мумкин: детал букланган чизиғининг чиққан шаклини ҳосил қилиш учун букланган чизик қирқимига нисбатан узунроқ бўлиши керак. Айни ҳолда қирқим бўйлаб кириштирилади ёки витачка солинади. Ботиқ шаклни ҳосил қилиш учун эса букланган чизик қирқимга нисбатан калтароқ бўлиши керак. Бу мақсадда детал қирқимлари намлаб - дазмоллаб чузилади, қирқимга хиштак солинади ёки букланган чизик бўйлаб витачка лойиҳаланади.

1.3. Кийимни лойиҳалашда одам қоматининг тузилиши роли.

Одам қоматини ўлчаш усуллари.

Одам танасининг асоси ўзаро боғланган скелет суякларидан тузилган. Скелет бош, бўйин, тана ва қўл-оёқлар скелетидан иборат. Тана скелети умуртқа поғонаси, тос ва кўкрак қафаси скелетларидан тузилган. Кўкрак қафасининг юқори қисмига елка камарининг суяклари бириккан: олдида-ўмров суяклари, орқада-курак суякларига қўл суяклари бириккан. Тос суякларига оёқ суяклари бириккан.

Суяклар мускуллар билан қопланган. Тана юзасидаги тери билан мускуллар орасида ёғ қатламлари йиғилиши мумкин.

Суяклар ўлчамлари, мускулларнинг ривожланган даражаси ва йиғилган ёғ қатламлари одам қоматининг шакли ҳамда ўлчамларига таъсир кўрсатади.

Одам қоматининг шакли асосий ўлчамлар, гавда пропорсияси, тана тузилиши ва қадди-қомати ёрдамида баҳоланади.

Асосий ўлчамларни сантиметрда ўлчанадиган тана узунлиги ёки бўй ва кўкрак айланаси ташкил этади.

Бўй одам ҳаёти мобайнида қуйидагича ўзгаради: туғилгандан 18-20 ёшгача максимал даражагача катталашади; 45 ёшгача бўй ўзгармайди; 45 ёшдан сўнг тана узунлигининг кичрайиши кузатилади.

Кўкрак айланаси кўкрак қафасининг ўлчамларига, мускуллар ривожланган даражасига ва ёғ қатламларининг тақсимланишига боғлиқ. Кўкрак айланаси туғилгандан бошлаб ўсиб, 20-26 ёшларгача бориб, ўзгариши тўхтайди. 40 ёшдан кейин тери остида ёғлар кўпайиши ҳисобига кўкрак айланаси катталашади.

Тана пропорцияси-бу тана қисмлари ўлчамларининг нисбати пропорция дейилади. Тана пропорцияси ёшга, жинсга қараб ўзгаради: улар ҳатто бир хил ёшдаги жинсий гуруҳ ичида ҳам ҳар хилдир.

Бола бошининг айланаси кўкрак айланасига тенг. Ката ёшлилардаги бош айланаси кўкрак айланасидан икки марта кичикроқдир. Балаларда бош баландлиги тананинг $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил этади. Ката ёшлиларда бу нисбат $\frac{1}{7}$ - $\frac{1}{8}$ қисмини ташкил этади.

Ката ёшли эркаклар ва аёллар орасида уч хил асосий пропорция турларини ажратиш мумкин:

Долихоморф тип – қўл-оёқларнинг узунроқлиги ва калта, тор тана билан характерланади.

Брахиморф тип - қўл-оёқлар калта, тана эса узун, кенг бўлади.

Мезоморт тип – долихоморф ва брахиморф типлар орасидаги ўртача вариантдир. Долихоморф тип кўпроқ баланд бўйли одамлар учун хос, брахиморфтип эса паст бўйлиларга хос.

Гавда тузилиши – одам қоматининг индивидуал хусусиятлари мускулларнинг ривожланиш даражаси ва ёғ қатламларининг тақсимланишига боғлиқ. Мускуллар бош, ўртача ва кичик ривожланган бўлади.

Кейинчалик орттирилган ёғ қатламларининг ҳосил бўлиш даражаси кам, ўртача ва кўп кузатилади. Бу вариантларнинг турли бирикмаларни турли тана тузилишларини ҳосил қилади.

Эркаклар танасининг тузилиши қуйидагича характерланади:

-кўкракли тип – мускуллар бўш, ёғ қатламлари ҳам кам;

-мускулли тип – мускуллар ўртача ёки кичик ривожланган, ёғ қатламлари ҳам ўртача;

-қоринли тип – ўртача ёки бўш мускулли, ёғ қатламлари эса кўп.

Аёллар ва эркаклар тана тузилиши мускулларнинг ривожланиш даражаси ва ёғ қатламларининг тақсимланиши билан фарқланади. Аёлларда танаси бўйича ёғлар бир текисда ва нотекис тақсимланиши мумкин. Ёғ қатламларининг нотекис тақсимланиши натижасида аёлларда қуйидаги типлар учрайди: ёғлар тананинг юқори ёки пастки қисмида кўпроқ йиғилган; ёғлар фақат танада ёки фақат оёқ – қўлларда йиғилган; ёғлар тананинг фақат айрим қисмларида жойлашган, масалан, бўксада ёки кўкракда.

Қадди – қомат деганда табиий вертикал ҳолатда одам танасининг конфигурацияси тушунилади. Унга умуртқа поғонасининг бўйин ва бел сатҳларида эгилганлиги, танага нисбатан қўллар ҳолати ва елкалар баландлиги таъсир этади. Қадди – қомат умуртқа поғонасининг шаклига боғлиқ. Мускулларнинг ривожланган даражаси, ёғлар йиғилган жойлари ҳам қадди – қоматга салбий таъсир этади.

Ката ёшли одамлар қадди – қомати меъёрдаги, букчайган ва кекайган деб фарқланади. Меъёрдаги қадди – қомат ён томондан қараганда умуртқа поғонасининг кураклар ва белда бир маромда эгилиши билан характерланади. Букчайган қоматга бош ва елкалар олд томонга оғган, орада кураклар чикқан, белда умуртқа поғонаси бироз эгилган бўлади.

Кийим лойиҳалашда одам фигурасининг ўлчамларини олиш асосий, маъсулиятли ва мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Муайян қоматга

мўлжалланган буюм конструкциясининг чизмаси ундан ўлчаб олинган ўлчамлар бўйича тузилади.

Ўлчамларни олиш мураккаблиги, биринчидан одам танаси мураккаб тузилишида, иккинчидан, одам танасида тана ва кийимнинг шакли ва размерларини аниқлайдиган, яққол ифодаланган керакли дастлабки нуқта ва чизмалар йўқлигига, учинчидан, ўлчамларни олиш вақтида фигуранинг қомати ва елкаси (қўлларнинг ҳолати) ўзгариб туришида.

Конструкция чизмасининг сифати ва фигурада кийимнинг тўғри ўрнашуви ўлчамлар аниқ ва тўғри олинганига боғлиқ. Ўлчамлар одам танасида яққол ифодаланган ва осон пайпаслаб аниқланадиган скелетнинг ўсимталари ёки юмшоқ тўқималарида аниқ кўринадиган чегараларида жойлашган антропометрик нуқталарга таяниб олинади.

Ўлчамларни олиш вақтида одам ич кийимда ёки енгил кўйлақда, лойиҳаланаётган буюм билан кийиладиган пойабзалда бўлиши керак. Ўлчамларни олинаётган одам тинч, зўрикмасдан, қўлларни тушириб, товонларни бирлаштирган ҳолда туриши, оёқ учларининг ораси 15-20 см бўлиши керак. Ўлчамлар олиш вақтида одамнинг ҳолати ўзгармаслиги керак.

Ўлчамларни олишдан аввал фигуранинг типини, қоматини ва унинг асимметрияларини аниқлаш мақсадида фигуранинг тузилиши ўрганилади. Ўлчамлар ўнг томондан олинади, асимметрияли жойлар ўнг ва чап томонлардан ўлчанади.

Ўлчамларни олиш жараёнида турли асбоб ва мосламалардан фойдаланилади. Айланалар, бўйлама, кўндаланг ва ёйсимон ўлчамлар сантиметрли тасма ёрдамида олинади. Ўлчам олиш вақтида тасмани тананинг юмшоқ тўқималарига ботирмасдан, танага зич ёпиштириб ўлчанади. Фигуранинг енг ингичка жойи қатъий горизонтал ҳолатда резина билан боғланади.

Амалий ишларда аввал ярим айланалар (бўйин, кўкрак биринчи, кўкрак иккинчи, кўкрак учинчи, бел, бўкса) ўлчанади. Бу ўлчамлар бўйича фигуранинг гуруҳи аниқланади.

Ўлчамларнинг кейинги гуруҳига кўкрак кенглиги биринчи, иккинчи, кўкрак маркази, орқа кенглиги киради. Елка айланаси, елка кенглиги, енг узунлиги одатда асосий участкалар ўлчамларидан сўнг олинади.

Одам танаси ҳаракатланиш апаратининг пассив қисми скелет, аксинча актив қисми эса мушаклар ҳисобланади.

Суяк тизими. Суяк тизими одам скелетини ташкил қилиб, гавдада у таянч ва ҳимоя вазифасини бажаради. Скелетнинг таянч функцияси туфайли одам ўз қоматини тўғри тутати. Одам скелети суяк, тоғай ва пайлардан тузилган. Скелетнинг суяқларига мушаклар бирлашади. Одам скелети 206 та суякдан ташкил топган бўлиб, уларнинг 170 таси жуфт суяклар, 36 таси эса тоқ суяклардир. Барча суяклар массаси катта ёшли одам умумий массасининг 16-18% ни, янги туғилган чақалоқларда эса 14% ни ташкил қилади.

Одам скелети бош, тана, қўл ва оёқ суяк қисмларидан ташкил топган. Скелетнинг таянчи бўлиб умуртқа поғонаси ҳисобланади. У беш қисмга бўлинади: бўйин умуртқаси, кўкрак умуртқаси, бел умуртқаси, думғаза суяги, дум суяги. Одамнинг умуртқа поғонасига ёнбошдан қаралса S-симон шаклда бўлади. Бўйин ва бел қисмларида эгрилик

кавариқсимон олдинга бўртиб чиққан бўлиб, улар лардоз деб номланади; кўкрак ва думгаза қисмида эса эгрилик орқага йўналган бўлиб, улар кифозлар деб номланади. Янги туғилган чақалоқларда бу эгрилик бўлмайди, яъни уларнинг умуртқа поғонаси тўғри бўлади. Умуртқа поғонасининг эгрилиги одам ҳаётининг биринчи ойларида шакллана бошлайди. Чақалоқлар бошини тутишни ўрганишини бошлаши билан унда бўйин эгрилиги (лордоз), ўтиришни бошлаганда кўкрак эгрилиги (кифоз), оёқларда туришни бошлаганда эса энг катта эгрилик – бел лардозини ҳосил бўлади. Бу эгриликлар одамнинг қариган чоғида, айниқса кўзга ташланади, яъни кўкрак кифозини кўпайиб, букирлик ҳосил бўлиши мумкин.

Аёлларда эгриликлар эркакларникига қараганда аниқроқ, яққолроқ кўринган бўлади.

Умуртқа поғонасининг узунлиги ўртача: эркакларда – 70-73 см, аёлларда – 66-69 см бўлиб, бу узунлик одам умумий бўй узунлигининг 40% ини ташкил этади.

Кўкрак қафаси орқада кўкрак умуртқаларидан, ён томонда қовурғалар ва олдинда тўш суягидан ташкил топган.

Қўл скелети суяклари икки қисмга: елка камари суяклари ва қўлнинг эркин суякларига бўлинади.

Оёқ суяклари икки қисмдан: яъни чанок ва оёқнинг эркин суякларидан иборат

Мушак тизими. Одам танасининг шакли фақатгина скелетнинг тузилишигагина боғлиқ бўлмасдан, балки яна скелет билан бириккан мушакларга ҳамда тери ости ёғ қаватининг катталигига (қалинлигига) ва тарқалганлигига ҳам боғлиқдир.

Умуман олганда, скелет мушакларининг 600 дан ортиқ тури аниқланган бўлиб, уларнинг кўп қисми жуфтдир ва фақатгина икkitаси тоқдир. Мушакларнинг умумий массаси катта одамнинг тана вазнининг ўртача 36-42% ини ташкил қилади; янги туғилган чақалоқларда эса тахминан 22% ни ташкил этади.

Одам танасида кўндаланг-тарғил ва силлиқ мушаклар мавжуд. Кўндаланг-тарғил мушаклар ипсимон тузилмалардан ташкил топган. Бу тузилмалар микроскоп остида кўндаланг-тарғил чизиқлар сифатида кўрилгани учун шу номни олган. Кўндаланг-тарғил мушаклар скелетни ташқаридан ёпгани учун уларни яна скелет мушаклари ҳам дейилади.

Силлиқ мушаклар дуksимон шаклдаги хўжайралардан иборат бўлиб, бу хўжайралар бирлашиб бир текислик ҳосил қилади ва ички органлар (ичаклар, ошқозон) ҳамда қон томирлар деворларини ҳосил қилишда қатнашади. Силлиқ мушаклар терида ҳам жойлашган.

Кўндаланг-тарғил скелет мушаклари бизнинг ихтиёрларимизга бўйсунди, шунинг учун улар ихтиёрий ҳаракатлар мушаклари ҳисобланади. Улар одамнинг ҳар хил ҳаракатларини таъминлайди. Фақатгина юрак мушаклари бундан мустаснодир, чунки улар кўндаланг-тарғил мушаклар ҳисобланади, лекин беихтиёр қисқаради.

Силлиқ мушаклар беихтиёр ҳаракатлар мушаклари ҳисобланади. Силлиқ мушакларнинг қисқариши одамнинг ихтиёрига боғлиқ эмас.

Мушаклар қон томирлари ва нерв охирлари билан кўп таъминланган. Нерв охирларининг бир гуруҳини сезувчи (булар орқали нерв импульслари бош миё пўстлогига боради), бошқа бир гуруҳини эса ҳаракатлантирувчи (булар орқали нерв импульслари бош миё пўстлогидан мушакларга келади) нерв охирлари ташкил қилади.

Мушаклар пайлар билан бошланади ва тугайди. Мушаклар пайлар ёрдамида скелет суякларига, бўғим ҳалтасига ёки терига бирикади. Ҳар бир мушак ёки мушаклар гуруҳи фасция деб ном олган ингичка бириктирувчи тўқимали қобик билан ўралган. Фасция мушакларнинг бир-бири билан ишқаланишини олдини олади.

Мушаклар ўз номларини бажарадиган функциясига қараб (букувчи, ёзувчи, яқинлаштирувчи, узоқлаштирувчи ва ҳоказо), қаерда жойлашишига қараб (кўкрак, бел, қорин ва ҳоказо), шаклига қараб (трапециясимон, дельтасимон, тишсимон ва ҳоказо), мушаклар толаларининг йўналишига қараб (тўғри, кўндаланг, қия) ҳамда бирикиш жойига қараб (тўш-ўмров-сўрғичсимон ва ҳоказо) олган.

Мушакларнинг асосий функцияси уларнинг қисқаришидан пайдо бўлади. Мушаклар қисқариб, скелет қисмларини ва алоҳида органларни кўчишини чақиради. Баъзан мушакнинг бир ўзи у ёки бу ҳаракатни чақиради, лекин одатда мушаклар гуруҳ бўлиб ишлайди.

Икки турдаги мушаклар фарқланади: синнергистлар ва антагонистлар. Агар мушакларнинг бир гуруҳини биргаликда қисқариши маълум бир ҳаракатни чақирса (масалан, бошни қайилтириш ёки букиш), бу мушаклар *синнергистлар* дейилади. Агар мушаклар қисқарганда қарама-қарши ҳаракатларни чақирса (масалан, бир мушак елкани букса, бошқаси эса ёзса), булар *антагонистлар* ҳисобланади.

Бизнинг барча ҳаракатларимиз кўпгина мушакларнинг келишилган (ўзаро мутаносиб) ва координациялашган ҳаракатлари натижасида амалга оширилади. Координация нервлардан мушакларга келувчи нерв импульслари орқали амалга оширилади.

Скелетнинг барча юза мушаклари жуфт бўлиб, тананинг ўнг ва чап томонларида симметрик жойлашади.

1.4. Кийимни конструкциялашда ишлатиладиган қўшимчалар. Конструкциялаш усуллариининг тавсифи.

Замонавий кийим мураккаб тизим бўлиб унга хос конструкциянинг шаклланиш қонуниятларини тушунмоқ учун, кийимнинг узок ўтмишдаги кўриниши ҳақида маълумотга эга бўлиш керак.

Кийим ҳозирги мукамал кўринишига мураккаб босқичлар орқали етиб келган. У одамзод ривожланишининг илк босқичларида иқлим таъсиридан ҳимоя топмоқ воситаси сифатида пайдо бўлган. Кийимнинг дастлабки кўринишлари ибтидоий давр одамларининг қабилга бўлиб яшаган вақтига тўғри келган. Бу даврда дарахт барглари, похоллар, ҳайвон териларини танага белдан боғлаб юришган. Кийим инсоннинг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти ва онгининг ривожланиши туфайли у ҳам ривожланиб борди. Кийимнинг кейинги кўриниши турли ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларидан тўқилган оддий газламаларни танага ўраб юришдан иборат эди. Қадимги Грецияда эркаклар кийими икки қисмдан – хитон ва гиматийдан иборат бўлган. Хитон – бу ички кийим бўлиб, жун ёки зиғир толали газламадан тайёрланган. Эркаклар бирор юмуш билан кўчага чиқаётганда устки кийим – гиматийни кийиб олишган. Гиматий тўғри тўртбурчак шаклдаги, 1,7х4 м ўлчамдаги газлама бўлагидан иборат бўлиб, уни елка устида боғлаб ёки елкага ташлаб қуйиб, гавданинг табиий гўзаллиги ва ҳаракат бемалоллигини кўрсатадиган ҳамда унга ҳалақит бермайдиган нафис тахламалар тушириб драпировка қилиб қўйилган.

Аёллар кийими ҳам эркаклар кийимига ўхшаб икки қисмдан иборат бўлиб, улар кийими ёпиқроқ ва узунроқ бўлган. Ички кийими – хитон ва устки кийими пеплос деб аталган. Пеплос 1,5х3,5 м ўлчамдаги газлама бўлагидан иборат бўлган.

Қадимги греклар ва римликлар бундай бурмаланган кийимларни усталлик ва юқори дид билан бажарганлар.

Табиатшунослик, само фанларининг келиб чиқиши кийимга ўз таъсирини ўтказган. Кийим газламаси турлари пайдо бўлган (юпқа, қалин, шойи, ип толали газламалар). Кейинчалик кийимда тананинг қисмларига алоҳида газламаларни ўраб тайёрлаш, бўйлаб бириктириш меҳнат қилиш учун анча қулайлик туғдирган.

Айниқса, иғнанинг келиб чиқиши кийим қисмларини бириктириб тикишда унинг такомиллашишига олиб келган. XIII асрга келиб кийимда ёқалар, енг, манжетлар, чўнтаклар, тақилмалар шаклланган. Бу вақтга келиб кийимнинг ташқи кўринишида, газламасида, бичилишида ўзгаришлар тез ривожланган. Кийимнинг гавдага ёпишган, этаклари ҳажмли, қаватли кўринишлари, газламаларнинг атлас, бархат, мовут каби турлари пайдо бўлган.

Европа мамлакатларида феодализм мустаҳкам қарор топган ўрта асрлар даврида махсус эстетик идеал ва шунга мос костюм характери таркиб топган. Одамзот гавдасининг гўзаллигидан завқланиш номуносиб ва гуноҳ иш ҳисобланиб, гавдани кўполдан-кўпол, оғир, кейинчалик эса чўзиқ шаклларга ўраб ташланган. Тор, юқори қисми қатор-қатор мураккаб тахламалардан иборат, орқа этаги жуда узун, кўйлак жуда баланд конуссимон бош-кийим ва ниҳоятда чўзиқ пойафзал билан бирга қўшилган ҳолда қадди қомат кўринишини ўзгартириб юборар эди.

Ўрта асрларда костюм гавдани турли воситалар (шнурлар, корсетлар) ёрдамида қаттиқ қисиб, табиий шаклдан узоклаштирадиган “ғилоф” системаси ривож топишини бошлаб берди.

Уйғониш даврида (XVI-XVII асрлар) эстетик дунёқарашни қайта баҳолаш юз берди, яъни гуманистик идеологиялар шаклланди. Бу даврда аёллар кийими жуда ноқулай — қаттиқ, ҳаракатга ҳалақит берадиган ҳолатда бўлган. Икки қаватли кийим бир вақтда кийилиб, белдан этак қисмига каркас ёрдамида конуссимон шакл кўринишида бўлган. Юбка қисмида ҳеч қандай бурмалар бўлмай, каркасга тортиб қўйилган. Кўйлакнинг юқори лиф қисми жуда тор бўлиб, пастга томон бурчак шаклида тугалланган эди. Бу даврда аёллар белни хипча қилиб кўрсатиш мақсадида корсетлар кийишган. **Кийим** — одам танасини ташқи номақбул таъсирларидан муҳофаза қилувчи ва эстетик функцияларни бажарувчи буюм ва буюмлар йиғиндисидир.

Кийим одам ташқи қиёфасини ўзгартиришда катта роль ўйнайди. У қиёфани 60% гача ўзгартиради. Кийим кишининг бадий дидини ифодалайди, маданий савиясини белгилайди, шахсни характерлайди. Кийим кишига нисбатан турли ҳис-туйғулар уйғотади. Масалан: жиддийлик, вазминлик, жўшқинлик, совуқлик, оддийлик ва бошқалар.

Ҳозирги замон кийимлари жамиятимиз талабига мос келиши керак, яъни чиройли замонавий модада, гигиеник ва қулай бўлиши лозим.

Костюм» — чуқур ва кенг маънога эга бўлиб, у кийим қисмлари, пойафзал, бош кийим, безаклар ва уларни кийилиш тарзи ҳамда бардошлилик тамойили асосида ташкил этилган аниқ бадий образ тизимидир.

“Костюм” сўзи французча costume — кийиниш маъносини англатиб, кийимнинг мазкур халқ, табақа, давр учун турғун, типик, умумий бўлган шаклини шу термин билан аталади. Костюм турли мамлакатлар халқларининг ўзига хос миллий қиёфасини акс эттиради. **М о д е л** сўзи — кийимнинг кўриниши, шакли, материали, беағи ёки бошқа сифатлари янгича бўлган намунасини билдиради.

Мода – атрофдаги воқеликни янгилашиб туришида доимий эҳтиёж билан боғлиқ бўлган костюм муайян шаклларнинг қисқа давр ичида ҳукмронлигини англатади.

Маҳсулотни сифатли ишлаб чиқарилиши лойиҳалаш жараёнида ҳисобга олинади, уни ишлаб чиқарилганда ва эксплуатация даврида намоён бўлади. Шунинг учун, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни мураккаб «тизим» деб баҳолаш мумкин. Сифатни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир поғонасида уни бошқариш керак. Маҳсулот сифатини бошқариш деганда, унга таъсир этувчи омилларни тинимсиз назорат қилиб, маҳсулотни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва истеъмол жараёнларида етарлича сифат даражасини таъминлаб туриш тушунилади (3).

Саноат маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари. Маҳсулотнинг сифати инсонни қадимдан қизиқтириб келган. Маҳсулотнинг сифати унга оид кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат бўлади. Шунинг учун сифат деганда, маҳсулотнинг вазифасига кўра, инсондаги муайян талабларни қондиришга ярайдиган хусусиятлари мажмуи тушунилади.

Ҳар қандай буюм хусусиятларга эга бўлиб, булар буюмни у ёки бу усулда тайёрланганда ёки эксплуатация жараёнларида намоён бўлади ва микдорий ҳамда сифат даражасида ифодаланади.

Буюм сифатини аниқлаш — бу маҳсулотга хос хусусиятларнинг микдорий даражасини аниқлаш ва уни баҳолаш демакдир. Маҳсулот сифати унга таъсир кўрсатадиган етакчи хусусиятлар номларини аниқлашдан бошланади. Сифат кўрсаткичлар номларининг рўйхати маҳсулотнинг вазифасига боғлиқ. Шу боис маҳсулот сифатини баҳолашдан аввал, унга хос инсон (истеъмолчи) талабларини қондирадиган хусусиятларини аниқлаш керак. Шу билан бирга ишлаб чиқариш талабларини ҳам унутиб бўлмайди. Негаки, маҳсулотни саноатдан ташқарида, материаллар, энергия, инсон меҳнати ва асосий фондлар харажатисиз яратиб бўлмайди. Бундан сифат яратиладиган маҳсулотнинг мураккаб тавсифи эканлигини билдиради.

Кийим сифатини баҳолаш. Кийим сифатини баҳолаш учун белгиланган кўрсаткичлар тузилиши (структураси) кийимга хос харид қийматини ва оммавий тарзда тайёрланган маҳсулотнинг қийматини ўз ичига қамраб олган. Қўйилган талабларга Е.Б.Коблякова яратган сифат кўрсаткичларининг таснифи жавоб беради. Кийим сифатини баҳолаш учун муайян тизимда майда хусусиятлар босқичма-босқич умумийроқларга бўйсунган ва «умумийдан майдароққа ўтиш» тамойилида тузилган (2-чизма) (3, 4).

Кийим сифати истеъмолга оид сифат кўрсаткичлари ва техник-иқтисодий сифат кўрсаткичларига бўлинади. Уларнинг қиймати 2-чизманинг қуйида жойлашган синф, гуруҳ ва айрим кўрсаткичлари даражасига боғлиқ. Кўрсаткичларнинг сони юқори босқичдан кейинги босқичга ўтган сари ошади, уларнинг мураккаблик даражаси эса камаяди. Чизмада келтирилганидек, юқори босқичда кийим сифати битта кўрсаткичлар тизими билан баҳоланса, биринчи босқичда иккита, иккинчида — саккизта, учинчида — йигирмата кўрсаткичлар мажмуидан иборат бўлади, шу боис чизманинг 4-5 — пастки босқичлари эса 70 тага яқин баҳоланадиган кўрсаткичларни ўз ичига қамраб олган. Айни ҳолда, бу чизмани мукаммаллаштириш мумкин. Масалан, кийим сифати унинг тузувчи материаллари сифатига, материаллар сифати эса ўз навбатида техник жиҳатдан тузилишига, хом иплар хусусиятига ва уларнинг ўрилишига боғлиқ.


Кийимнинг истеъмолчига оид сифат кўрсаткичлари. Истеъмолчига оид кўрсаткичлар деб инсоннинг буюмни истеъмол қилиш жараёнидаги муайян талабларни қондиришига қаратилган буюм хоссалари тушунилади. Унга ижтимоий, функционал, эстетик, эргономик, эксплуатацион кўрсаткичлар киради.

И ж т и м о и й кўрсаткичда буюмни ишлаб чиқариш ва сотишга мувофиқлигини билдирган оммавий эҳтиёжларга мослиги, яъни ташқи ва ички бозорда истеъмолчиларнинг кийимга бўлган эҳтиёжлари тавсифланади. Маҳсулот сифатини таъминлашда ижтимоий омиллар роли илмий-техник тараққиёт ва моддий фаровонлик ўсган сари ошаверади. Корхоналарда махсус тузилган ижтимоий хизматлар ташкилоти аҳоли эҳтиёжини таҳлил қилиб, янги маҳсулот ассортиментида талабларни шакллантириши керак. Акс ҳолда, маҳсулот кўп чиқарилиб, зарар кўрилади.

Ф у н к ц и о н а л кўрсаткичлар кийимнинг асосий вазифасига, истеъмолчининг ташқи кўринишига ва унинг психологик хусусиятларига мослигини билдиради. Шунингдек, кийимнинг кийиб юриладиган шароитга мослигини ва қулайлигини, шаклини сақлашини ва ҳоказоларни билдиради. Кийимнинг барча хоссалари унинг вазифасига боғлиқ ҳолда танланса, кийим инсоннинг эҳтиёжини қондира олади. Айни кийимнинг вазифаси моделга, унинг конструкциясига ва материалларига қўйиладиган талабларни шакллантира олади.

Э с т е т и к кўрсаткичлар кийимни шахсий истеъмол предмети сифатида баҳолашда ўзига хос аҳамиятга эга. Эстетик хусусиятга эга бўлмаган кийим фойдасиз буюмга айланади, чунки у ўз мақсадли функциясини — инсоннинг эстетик талабини қондирадиган ўзига хос хусусиятни бажара олмайди.

2-чизма



Эстетик эҳтиёж, гўзаллик қонунларига кўра, инсоннинг гўзалликка ва ижодга бўлган талабларини билдиради. Кийим муайян даврга хос етакчи бадий тарзларга мос лойиҳаланади. Кийимнинг сифати етакчи мезон эканлигини эътиборга олиб, унинг шаклини яққол кўзга ташланиши, кийимнинг газлама билан боғлиқлиги ҳамда танланган ранглари ва ҳоказолар нуқтаи назаридан мода талабларига мувофиқлик даражасини аниқлайди.

Кийимнинг эстетик кўриниши барча конструктив элементларнинг (деталлар симметрик жойланиши, бириктирувчи ва безатувчи чокларнинг равлонлиги, астарнинг сифати ва буюмнинг рангига мослиги ва ҳ.к) ўзига хос ечими, ифодалилиги, буюмнинг харидоргир кўринишини таъминлайдиган элементлари мажмуига (фирма савдо белгиси, ёрлик, қадоқлашга) боғлиқ бўлади.

Э р г о н о м и к кўрсаткичлар буюмнинг инсонга мослашганлик даражасини билдиради. Эргономика (ergon — меҳнат, помог — қонун) инсонни муайян фаолият шароитида ўрганадиган ҳамда инсон, буюм ва атрофдаги муҳитнинг ўзаро боғланиш қонуниятларини ўрганадиган илмий фандир.

Бу кўрсаткич кийим инсон қоматига ва уни кийиш шароитига, статика(ҳаракатсиз ҳолати) ва динамика(ҳаракат ҳолати)да унинг айрим (антропометрик) характеристикаларига ҳамда психо-физиологик ўзига хос хусусиятларига мослигини, шунингдек, гигиеник ва ҳоказо даражасини аниқлайди.

Психофизиологик кўрсаткичлар гуруҳи кийимни одамнинг руҳий ва физиологик хусусиятларига мослигини аниқлайди. Бу кўрсаткичларга кийим осон кийилиши ва ечилиши, кийим айрим элементларининг қулайлиги ҳамда кийимнинг массасини киритиш мумкин.

Гигиеник сифат кўрсаткичлари санитария ва гигиена меъёрларига мосликни характерлаб, кийим остида қулай микроиқлимни таъминлаши керак. Гигиеник мослик кўрсаткичи кийим остидаги ҳаво алмашинуви даражасини билдиради. Масалан, юқори ҳароратли ташқи муҳитга мўлжалланган кийимнинг гигиеник кўрсаткичлари газламанинг гигиеник хусусиятларига боғлиқ. Ушбу кўрсаткич ўз навбатида кийим пакетининг ҳаво ўтказувчанлигига, буғ ўтказувчанлигига ҳамда кийимнинг рационал конструктив ечимига боғлиқ (4).

Э к с п л у а т а ц и о н кўрсаткичлар. Қатор саноат маҳсулотлари каби кийимга ҳам муҳим эксплуатацион кўрсаткич бўлган «ишончлилиқ» ҳосдир. Эксплуатация даврида кийимнинг ишончлилиқ кўрсаткичи деталларнинг шакл сақловчанлиги, чидамлилиги, чокларнинг пишиқлиги билан характерланади.

Кийимнинг техник-иқсодий сифат кўрсаткичлари. Техник- иқтисодий кўрсаткичлар конструкциянинг техник жиҳатдан мукамаллик даражасини, ишлаб чиқариш ва истеъмолчи харажатларини ҳисобга олган ҳолда кийимни лойиҳалаш ва технологик усуллари билдиради. Техник иқтисодий кўрсаткичлар иккинчи даражада стандартлаш ва унификациялаш, конструкциянинг ишлов беришга қулайлик даражаси ва тежамлилиқ кўрсаткичларни ўз ичига олган.

С т а н д а р т л а ш ва у н и ф и к а ц и я л а ш кўрсаткичлари моделларнинг конструктив ва технологик жиҳатдан бир-бири билан боғланиш даражасини кўрсатади.

Стандартлашнинг асосий вазифаларидан бири - барча ечимлар сонини

минимал оқилона ечимларга келтиришдир. Шу билан бирга маҳсулотни лойиҳалаш муддатини қисқартиришда ҳамда ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ишлаб чиқариш учун сарф-харажатларни камайтиришда кўринади.

Унификациялаш ҳам стандартлашнинг усулларидан бири ҳисобланади. Унинг вазифаси маҳсулотнинг кенг миқёсда тарқалган тур, хил ва ўлчам типларини камайтиришга қаратилган.

Конструкциянинг ишлов беришга қулайлик кўрсаткичи маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш босқичларида барча меҳнат, вақт ҳамда бошқа воситаларнинг сарф - харажатларини камайтиришга қаратилган, яъни ишлов беришга қулай бўлган конструкция шакли содда, ишлов беришда кам меҳнат талаб қиладиган, замонавий технологик жараёнларни қўллашга имкон берадиган ва бичишда режали бўлиши керак.

Иқтисодий кўрсаткичлар истеъмолчига ва ишлаб чиқаришга оид талабларни ўзаро боғлаб, маҳсулотни конструкциялаш, ишлаб чиқаришда технологик ишларни тайёрлаш ва ишлов бериш ҳамда фойдаланиш жараёнларидаги сарф-харажатларни билдиради.

Кийимни эксплуатация қилиш жараёнида истеъмолчига оид сарф-харажатларни, масалан, кимёвий тозалашга, ювишга ва таъмирлашга сарф қилинган харажатларни ҳам иқтисодий кўрсаткичларга киритиш мумкин. Кийим одам танасининг шакли ва ўлчамларига мос ҳолда тайёрланади, лекин унинг аниқ нусхаси бўла олмайди. Тананинг турли жойларида кийим бир хил ёпишиб турмайди, лекин ҳар доим кийим билан одам танасининг орасида унинг ҳаётига, бемалол нафас олиб ҳаракат қилишига зарур бўлган ҳаво бўшлиқлари бўлиши лозим. Кийимнинг ички ўлчовлари билан ва уларга мос одам танасининг ўлчовлари орасидаги фарқ тўқислик қўшимчалари дейилади. Тўқислик қўшимчаси техник ва декоратив-конструктив қўшимчалардан иборат.

Техник қўшимча – одам ўзини нормал ҳис этиш мақсадида (нафас олишга, иссиқлик алмашинувига, ҳаракатга, тери нафас олишига) танасининг атрофида нормал микроклим яратиш учун зарур бўлган минимал қўшимчадир. Унинг қийматига материал қалинлиги ҳам ҳисобга олинган. Техник қўшимча буюмнинг фақат кўндаланг ўлчамларига берилади, лекин вазиятга қараб (агар буюм белбоғли бўлса – эркин ҳаракатланишга, қайтармали энгларга эса – ичида юйроз тўқисликка) кийим узунликлариг ҳам ҳам берилади.

Техник қўшимчаларнинг қиймати буюмнинг вазифасига қараб антрополог ва гигиенистлар ёрдамида ҳал қилинган. Масалан, маиший кийим қўшимчаси эркин нафас олишни таъминласа, махсус кийим қўшимчаси эса кескин ҳаракатларда тана ўлчамлари ўзгаришини ҳисобга олган. Кўкрак чазигида (кўкрак айланасига) буюм кенглигига техник қўшимча ўзгармас қийматга эга: энгил кўйлак учун – 2 см, жакет учун – 3 см.

Декоратив – конструктив қўшимчалар кийимнинг вазифасига, силуэтига ҳамда мода йўналишига боғлиқ. Улар кийимнинг ҳам кенглигига, ҳам узунлигига берилиши мумкин. Декоратив – конструктив қўшимчалар 0 га тенг бўлиши мумкин, масалан, юбка ва шимларнинг бел чизигида ёки айрим чизикларга 20 см гача катталашиши мумкин.

Кийим конструкциялаш жараёнида ҳисоблашларни осонлаштириш мақсадида кийим эркинлигига мажмуий кўшимча олинади. Унинг таркибига ҳам техник, ҳам декоратив – конструктив кўшимчалар киради, лекин ҳеч қачон умумий кўшимча минимал зарур кўшимчадан кам бўлолмайди.

Тўқислик кўшимчаси буюмнинг бутунлай кенглигига ёки конструкциянинг айрим участкаларига мўлжалланган бўлиши мумкин.

Кийим кенглигига кўшимчалар.

P_g - кўкрак чизиғига умумий кўшимча. Кийимнинг шаклини аниқлайдиган умумий кўшимча.

P_t - бел чизиғига кўшимча. Силуэтга боғлиқ кўшимча.

P_b - бўкса чизиғига кўшимча.

Конструкциянинг участкаларига (деталларига кўшимчалар):

$P_{sh.s}$ - орқа кенглигига кўшимча. Бу кўшимча кўкрак чизиғи умумий кўшимчасининг қисмидан аниқланади.

$P_{sh.g}$ – олд кенглигига кўшимча, P_g кўшимчасининг қисми.

$P_{sh.pr}$ - ўмиз кенглигига кўшимча.

Ушбу кўшимчаларнинг йиғиндиси - P_g Елкали буюмлар конструкциясини тузишда одатда P_g қуйидагича тақсимланади:

$$P_{sh.s} = 0,2 - 0,3 P_g;$$

$$P_{sh.g} = 0,1 - 0,2 P_g;$$

$$P_{sh.pr} = 0,6 - 0,8 P_g;$$

$P_{d.ts}$ - орқа белгача узунлигига кўшимча;

$P_{sh.pr}$ - енг ўмизи чуқурлигига бўйича тўқислигига кўшимча;

$P_{sh.gor}$ - ёқа ўмизининг чуқурлигига кўшимча;

$P_{o.p}$ - елка айланасига кўшимча;

Кўкрак, бел ва бўкса ярим айланаларига кўшимчалар

Буюм номи	Силуэтларга тўқислик қўшимчалари, см								Трапе цияси
	Ёпишган			Қисман ёпишган			Тўғри		
	P _g	P _t	P _b	P _g	P _t	P _b	P _g	P _b	P _g
Кўйлак	5,0-6,0	2,0-4,0	1,0-1,5	6,0-7,0	4,0-6,0	3,0-5,0	7,0-9,0		9,0-11,0
Нимча	3,0-4,0	1,0-2,0	1,5-2,0	5,0-6,0	2,0-3,0	2,5-3,0			
Пиджак	6,5-7,0		2,5-3,0	7,5-9,5		4,0-6,0	10,0-11,0	6,0-8,0	
Жакет	5,5-7,0	3,0-4,0	1,5-2,5	6,5-8,0	5,0-7,0	3,0-4,0	7,5-10,0		7,5-12,0
Эркактар палтоси	9,5-10,0		5,0-5,5	10,5-12,0		7,5-8,5	12,0-14,0	11,0-13,0	13,0-14,0
Аёллар палтос	6,5-8,0	4,0-5,0	3,0-5,0	7,5-9,0	6,0-8,5	4,0-6,0	8,5-11,0		9,0-11,0

и									
---	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Жадвалда келтирилган кўшимчалар 170, 176-96-82 эркаклар ва 158, 164-96-104 аёллар типавий фигураларига яқин фигураларга тавсия этилади. Буюмнинг фаразий кўринишини сақлаш мақсадида фигура размери ҳар бир номерга ўзгаришида кўшимчалар қиймати $\pm 0,5$ см ўзгаради.

Кийим конструкциясининг ишлов беришга қулайлиги, ишлаб чиқаришда конструктив ва технологик тайёргарликларга минимал харажатлар сарфлаш, ишлаб чиқариш оқимларида илғор технология усуллари қўллаш имконини беради. Напижада юксак унумдорлик ва минимал таннархни таъминлайдиган детал, узел ва буюмларнинг конструктив ечимини аниқлатади. Шундай қилиб, ишлов беришга қулай конструкция функционал вазифа талабларига мос ҳолда энг мукамал технология усуллари қўллашга имконият яратади.

Кийим конструктив тузилишига ва технологик тайёргарлик ягона тизимига асосланиб, ишлов беришга қулай конструкцияга қўйиладиган талабларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- конструкция режали ва оқилона тузувчи қисмларга бўлиниши керак;
- буюмнинг конструктив тузилиши унификациялашган деталлардан мазкур буюмни йиғишни таъминлаш керак;
- ишлатилган бирикмалар хили, уларнинг конструкцияси ва жойланиши йиғиш ишларини механизация ва автоматизациялаштиришни таъминлаш керак;
- детал конструкцияси унификациялаштирилган элементлардан тузилиши ёки тўлиқ унификациялашган бўлиши керак.

Масалан, олд бўлакда ўмиз, елка ён қирқимлари унификациялашган, лекин, борт қайтармаси моделга мос ўзгариши мумкин: энг деталлари, қирқма ён ва орқа бўлаклар тўлиқ унификациялаштирилган бўлиши мумкин.

Деталлар бириктириладиган чизикларнинг тўла туташганлиги автоматлаштиришга замин яратади.

Кийим конструкциясида ишлов беришга қулайлик даражасини ошириш мақсадида қуйидаги тавсиялар эътиборга олинади:

- яхлит бичилган деталлар қўлланиши;
- унификациялаштирилган узел ва деталлардан фойдаланиш ҳисобига конструктив ва технологик хусусиятларининг моделдан моделга ўтиши;
- унификациялаштирилган технологиядан фойдаланиш;
- деталларни аниқ бичилишини таъминлаш;
- қўлда бажариладиган ишлов усуллари ўрнига машинали ёки елимли бирикмалар қўлланилиши.

Қуйидаги асосий деталларнинг ишлов беришга қулай конструкциясини тузишга тегишли талабларни амалга ошириш йўллари таърифланган.

Технологик жараёнда бажариладиган намлаб-иситиб ишлов беришни камайтириш мақсадида детал қирқимларида чўзиб ва кириштириб дазмол босиш ўрнига ҳар хил конструктив элементлар қўлланилади. Масалан, орқа бўлакда кураклар шаклига, олд бўлакда эса кўкрак шаклига мос ҳажмийлик тузишга ёрдам берадиган кириштириш бурчаги рационал конструкцияда бўйин ўмизига ўтказилган витачкага. ҳамда кокетка чокига ёки олд ва орқа бўлак бўртма чокларига ўтказилади.

Енг қиямаси бўйлаб кириштириладиган ҳақини қуйидаги усуллар орқали камайтириш мумкин: ўмиз кенгайтирилади, енг қиямасида витачка лойиҳаланади ёки у бўртма чок чизикларига киритилади. Биринчи усул бўйича тўқислик қўшимчасининг 65-70% ўмиз кенлигига ажратилади. Қияманинг юқорисида жойлаштириладиган витачка капта ўлчам ва тўлалик гуруҳига қарашли аёллар қоматига мўлжалланган қўйлақларга хосдир. Айтиш шартки шу мақсадда эркалар ва аёллар уст кийим енгларида учинчи устки чок лойиҳаланади.

Устки кийим енгларида устки енг бўлагининг олд қирқимини чўзиб дазмоллаш операциясини бартараф этмоқ учун остки енг бўлагининг олд қирқими 1см чуқурлаштирилади. Тирсак чизигида енг кенлигини сақлаш мақсадида остки енг бўлагининг тирсак чизигини худди шу қиймат бўйича лойиҳаланади.

Технология асосларига кўра, устки енг бўлагининг тирсак чизиги бўйлаб мўлжалланган кириштириш ҳақи устки ва остки енг бўлақларининг тирсак чизигини тирсак ўтар чизигига яқинлаштириш ҳисобига бартараф этилади. Учига торайтирилган бир чокли аёллар кийими енгларнинг тирсак чизигига мўлжалланган кириштириш ҳақи витачкага олинади.

Ёқа қайтармасини чўзиб дазмоллаш операцияси, уни ўртасидан қирқиб икки тарафга ёйиш ҳисобига бартараф этилади.

Кийимнинг эргономик ва эстетик сифатларига беэриён ҳолда, қатор ағдарма ва бириктирма чокларсиз, яъни яхлит бичилган деталлардан фойдаланиб, ишлов беришга қулай конструкция яратиш мумкин. Мисол тариқасида яхлит бичилган борт қайтармаси, енг бичиқлари, яхлит бичилган устки ва остки ёқалар, сорочкаларнинг ёқа қайтармаси билан яхлит бичилган ёқалар олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш тежамлиги. Таннарҳда ўз ифодасини топган рационал конструкциянинг омилларидан бири тежамлиликдир. Таннарҳни камайтириш йўлларида бири – хом ашё сарфланишини камайтириш.

Тикув буюмларига хом ашё сарфланиши конструктив ечимнинг мукамаллиги ва ишлаб чиқаришнинг умумий техник даражасига боғлиқ. Кийим деталлари имкон қадар аниқ конструктив усуллар ёрдамида ишланиши, чоксиз, яхлит бичилиши, бичиқларни аниқлаб, қирқишга мўлжалланган қўшимчалар қийматини мумкин қадар камайтириш ҳисобига мукамаллаштирилган конструкция устки кийимга сарфланадиган хом ашёни ўрта ҳисобда 1-3% тежайди.

Ёйилмада деталларни рационал жойлаштириш ҳисобига ҳам чиқитлар миқдорини камайтиришга эришилади.

Муайян вазифали кийимларда баъзи деталлар учун, арзонроқ газламалардан фойдаланса бўлади. Масалан, қимматбаҳо зиғир толалардан ишланган қотирма ўрнига арзон елимли флизелин, спорт курткасида эса ватин ўрнига поролон ишлатиш мумкин.

Эксплуатацион тежамлилик. Кийим конструкциясининг эксплуатацион тежамлиги, маълум даражада эксплуатация қилувчи истеъмолчининг кийим кўриниши узок муддат сақлаб туришга қаратилган харажатларига ҳам боғлиқ (кимёвий усул билан тозалаш, ювиш, дазмоллаш ва ҳ.к.).

Кийимнинг эксплуатацион тежамлиги қўлланилган материаллар сифатига бориб тақалади. Бу борада ҳар хил махсус кимёвий шимдирма ва пардозлаш усуллари ҳам аҳамиятга эга. Чунончи, пальтобоп газламалар учун сув ўтказмайдиган шимдирмаларнинг ишлатилиши иссиқ тутувчанлик хусусиятини ва чидамлилигини ошириб, эксплуатацион харажатларини камайтиради.

II-боб. Аёллар ва эркаклар кийимларини конструкциялаш.

2.1. Елкада турадиган кийимларнинг конструктив тузилиши.

Елкада турадиган кийимлар тананинг елка қисмидан олд ва орт томонларга эгилиб, кўкрак ва куракларнинг чиққанжойларига уриниб туради. Умумлаштириб айтганда, елкада турадиган кийимлар конструктив чизиқлар ёрдамида олд, орқа, иккита енги ва ёқага бўлинади. Ўтқазма енгли елкада турадиган кийимга хос конструктив чизиқларнинг схемаси боркелтирилган: ёқа ўрнатиладиган чизиқ, енги ўрнатиладиган чизиқ, елка ва ён чизиқлари, этак чизиғи, орқа ва олд бўлақлар витечкининг чизиғи. Улардан ташқари олд томонни симметрик бўлақларга кесиб ўтган олд ўрта чизиқ кўрсатилган.

Одатда, конструктив чизиқларнинг номи устма-уст тушадиган асос конструкциясининг чизиқлари билан бир хил номланади. Лекин, ёнги ва ёқанинг буюмга уланган чизиқлари бошқача номланади. Олд ва орқа бўлақлар чизмасида ёқа уландиган чизиқ олд ёки орқа бўлақнинг ёқа ўмизи дейилади. Олд ва орқа бўлақлар чизмасида ёнги уландиган чизиқ ёнги ўмизи дейилади; худди шу чизиқ ёнги чизмасида ёнги қиямаси дейилади.

Йелкада турадиган буюмлар чизмаси олд ва орқа бўлақлар чизмасидан бошланади. Ёнги ва ёқа чизмалари кейинроқ қурилади. Уларнинг шакли ва ўлчамлари олд ва орқа бўлақларнинг мос келадиган жойлари билан узвий боғлаб чизилади.

Олд ва орқа чизмалари битта умумий базис тўрида қурилади.

2.2. Аёлларнинг ўтқазма енгли, елкада турадиган кийимларининг чизма асосини қуриш.

Классик услубдаги ўтқазма енгли кийимлар бичими кенг тарқалган бўлиб, мода йўналиши ўзгаришларига бўйсунмайдиган бичимдир. Турли бичимдаги буюмлар конструкцияси ўтқазма енгил асосий чизмада қурилади.

Дастлабки маълумотлар. Ўтқазма енгли елкада турадиган аёллар буюмига хос асосий конструкциянинг чизмасини тузиш учун ишлатиладиган ўлчамлар рўйхати 3.1-жадвалда келтирилган. Ушбу ўлчамларнинг қийматидан мисол сифатида муайян ҳисоблашларни кўрсатиш учун фойдаланилади.

Елкада турадиган аёллар кийимининг чизмасини қуриш учун зарур ўлчамлар

Ўлчамлар белгиланиши	Ўлчамлар номи	Ўлчам қиймати, см
R	Бўй	164,0
Ssh	Бўйин ярим айланаси	18,3
Sg ₁	Кўкрак биринчи ярим айланаси	45,7
Sg ₂	Кўкрак иккинчи ярим айланаси	50,2
Sg ₃	Кўкрак учинчи ярим айланаси	48,0

St	Бел ярим айланаси	37,0
Sb	Бўкса ярим айланаси	50,0
Shg	Кўкрак кенглиги	17,2
Sg	Кўкрак нуқталари орасидаги масофа	10,1
Dts _I	Бел чизиғидан йелка чизиғининг юқори нуқтасигача бўлган масофа	43,0
Dtp _I	Йелка чизиғининг юқори нуқтасидан олд бел чизиғигача бўлган масофа	44,7
Vg _{II}	Йелка чизиғининг юқори нуқтасидан кўкрак нуқтасигача бўлган масофа	27,0
Vprz _{II}	Йелка чизиғининг юқори нуқтасидан орқа кўлтиқ бурчаклари сатҳигача бўлган масофа	21,4
Vpk _{II}	Бел чизиғининг умуртқа поғонаси билан кесишган нуқтасидан йелка чизиғининг учигача бўлган масофа	43,3
Shs	Орқа кенглиги	18,2
Di	Буюм узунлиги (моделга мос)	100,0
Shp	Йелка кенглиги	13,3
Dr	Йенг узунлиги (моделга мос)	55,0
Op	Йелка айланаси	29,7

Конструкция чизмасини куриш учун гавда ўлчамларига қуйидаги участкаларга қўшимчалар қабул қилинади: кўкрак, бел, бўкса чизиқлар бўйича буюм кенглигига; олд ва орқа бўлаклар кенглигига, ўмиз чуқурлигига, орт белгача узунлигига, ёқа ўмизининг кенглигига ва чуқурлигига. Қўшимчаларнинг қиймати буюм турига (кўйлак, жакет, палто) ва силуетига боғлиқ ҳолда танланади. Қўшимчалар қиймати 2.2, 2.4, 2.5, 2.6-жадвалларда келтирилган. Жадваллардан фойдаланилган ҳолда қисман ёпишган силуетли кўйлак асосий чизмасини куриш учун ҳисоблашларга мисол қилиб, қуйидаги қўшимчалар танланган:

$$Pg = 6 \text{ см}; \quad Pt = 4 \text{ см}; \quad Pb = 6 \text{ см}; \quad Pshp = 1,0 \text{ см}; \quad Pshs = 2,0 \text{ см}; \quad Ps.pr = 1,5 \text{ см};$$

$$Pdt.s = 0,5 \text{ см}; \quad Pshg = 0,5 \text{ см}.$$

Буюм чизма асосининг базис тўрини куриш. Базис тўрининг кенглиги $A_0 a_1$ кўкрак чизиғи бўйлаб буюм кенглигига тенг:

$$A_0 a_1 = Sg_3 + Pg + (1,0 - 3,0)$$

Бу ерда, 1,0-3,0-орқа ўрта чизиқ вертикалдан оғишига қўшимча.

A_0 нуқтадан ўзаро перпендикуляр, горизонтал ва вертикал чизиқлар ўтказилади (3.2-расм). Вертикал чизиқ-орқа ўрта чизиғи, горизонтал-йелка

чокининг энг юқори нуқтаси. Горизонтал бўйлаб чапга базис тўрининг кенглиги ўлчаб қўйилади.

Буюм кенглигини аниқлайдиган чизик $A_0 a_1$ орқа, олд ва ўмиз участкаларига уларга мос ўлчамлар ёрдамида шу кетма-кетликда бўлинади.

2.3 Тикув машиналари ҳақида маълумот.

Тикув машиналари ноавтоматик ва автоматик ишлайдиган машиналарга бўлинади.

Ноавтоматик ишлайдиган машиналар. Бундай машиналарда ишлаганда операциялар тикувчи иштирокида бажарилади.

97-А кл. машинаси-костюмлик ва қўйлаклик газламаларни тикиш учун мўлжалланган, қавикнинг узунлиги - 4 мм;

1022-кл. машинаси пальтолик ва костюмлик газламаларни тикиш учун мўлжалланади, қавикнинг узунлиги 1,7 дан 5 мм гача.

862 кл-машинаси ПМЗ - костюмлик, пальтолик ва плашлик газламаларни тикишга мўлжалланган, қавик узунлиги 1,3 дан 4,5 мм гача.

302, 302 -1, 302 - 2, ПМЗ - бир игнали машиналар, булар газламаларнинг устки қатламларини ётқизиш қурилмалари билан таъминланган ва энгларни ўтқазиш учун мўлжалланган.

241 кл. ПМЗ машиналар ўмизларни йўрмаш учун мўлжалланган .

2222 кл ПМЗ бир ипли занжирсимон ўрилишли қавик тикади; йўрмаш, тепчиш, қўклаш, чоклаш ишларни бажаради ва осонгина бўшаладиган муваққат қавиклар ҳосил қилади, қавик узунлиги 12 мм гача.

1276-6 кл. машинаси ПМЗ-икки ипли занжирсимон ўрилишли очик қавик ҳосил қилади, шаклини сақлайдиган трикотаж полотнолардан бичиладиган деталларни тикиш учун мўлжалланади: қавик узунлиги 3,2 мм гача.

208 кл. машинаси (“Легмаш заводи”) бир ипли занжирсимон қавиклар билан қирқим четларини йўрмашда, трикотаж полотнолардан кийим тикишда қўлланилади.

10-Б кл ПМЗ машинаси мўйна териларни ва сунбий мўйна деталларни тикишда қўлланилади.

51-А кл. машинаси йўрмаш қавиклари ҳосил қилиш учун ишлатилади, икки ипли ёки уч ипли қавик тикади, йўрмаш эни 3 дан 6 мм гача.

26 кл. ПМЗ машинаси синик моки ўрилишли бахяқатор тикиш учун ишлатилади, қавик узунлиги 4,5 мм гача, синик чизик эни 9 мм гача.

Икки игнали машиналар:

Асосий машина 862 кл нинг 14 модели бор:

832х32 кл ва 852х38 эркалар шимларининг юқори қирқимига ишлов бериш учун; 852 (х5), 852-1 (х10), 852-2 (х7) – бостирма чок ва “қулф” чок ҳосил қилиш учун; 852х12 кл -тасмани бостириб тикиш ва юмшоқ камарларга ишлов бериш учун қўлланилади.

428 кл (“Минерва” фирмаси, Венгрия) шим почасидаги тасмани бостириб тикиш учун ишлатилади.

408 -АМ ва 508-М кл, РЗЛМ - кўйлақлик ва костюмлик газламалардан тикиладиган кийимларда бахялаш - йўрмаш қавиқлари ҳосил қилинадиган машиналардир.

876 кл ПМЗ машиналари безак қавиқлар ҳосил қилиш ва камар тақиш боғичлари тайёрлаш учун қўлланилади.

Яримавтоматик машиналар. 827 кл ПМЗ машинасида икки ва тўрт тешикли тугмалар моки қавиқлар билан қадалади.

1095 кл ПМЗ машинаси икки ва тўрт тешикли тугмалар занжир қавиқлар билан тақиб ва оёқчали қилиб қадалади.

295 кл ПМЗ машинаси ёстиқларга икки тешикли тугмани қадаш учун мўлжалланган.

1595 кл ПМЗ машинаси аёллар кўйлақларига кулоқчали тугмаларни қадаш учун қўлланилади.

53 кл ПМЗ машинаси сим илғаклар ва петлялар қадаш учун мўлжалланган.

635 кл ОЗЛМ машинасида кўйлақлик газламалардан тикилган кийимларда петлялар тикилади.

525 кл. ОЛЗМ машинаси костюмлик ва кўйлақлик газламалардан тикилган кийимларда тўғри қавиқли петлялар ҳосил қилиш учун қўлланилади.

570- кл яримавтомати эркалар пальтосининг чўнтак қопқоқларини, 570- 2 кл ПМЗ – эркалар кўйлагининг думалоқланган манжетларини, 570 – 3 кл болалар костюмларининг чўнтак қопқоқларини йўрмаш учун мўлжалланган.

596 –М кл ОЗЛМ яримавтомати костюмдаги қоплама чўнтак четларига ишлов бериш учун қўлланилади.

Тикув машиналарининг синфланиши.

Тикувчилик саноатида кўплаб турдаги тикув машиналари ишлатилади. Улар ишлаб чиқарилган заводига, тўзилишига бажаридиган ишига қараб синфларга бўлинади. Ҳар бир завод тикув машинасини ўз маркаси билан чиқаради. Масалан ПМЗ – Подольск механика заводи, ОЗШМ – Орша тикув машиналари заводи. ПЗШО – Полтова тикув асбоб ускуналари заводи. РМЗ – Ростов механика заводи. КЭМЗ – Киев экспериментал механика заводи ва ҳ.к.з.

Тўзилишига қараб рақамлар билан конструкция номери ёзилади. 97 кл, 297 кл, 397 кл, 597 кл.

Бунда охириги икки рақами асосий машина синфини билдирса, биринчи рақами вариантни билдиради. Рақамлар ёнига ҳарфлар билан шу синфдаги машиналарга қўшимча механизмлар киритилганлиги белгиланади. 97 – А кл, 97 – Б кл.

Баъзи махсус машиналарга бажариладиган иш номи қисқартириб ёзилади. СМ-2 (сметочная машина), ВМ-50 (вышивальная машина) бунда рақамлар конструкция номерини билдиради.

Бажариладиган иш турига қараб тикув машиналари 9 хилга бўлинади:

1. Тўғри бахяқатор юритувчи машиналар
2. Кўп бахяқатор юритувчи машиналар
3. Занжир бахяқатор юритувчи машиналар
4. Синиқ бахяқатор юритувчи машиналар
5. Йўрма бахяқатор юритувчи машиналар

6. Яширин баҳяқатор юритувчи машиналар
7. Фурнитура (тугма, илгак) чатадиган яримавтоматлар
8. Петля, пухталама йўрмайдиган яримавтоматлар
9. Кийимнинг кичик деталларини йиғиб ишлов берадиган яримавтоматлар.

Тикув машинасининг тузилиши ва асосий механизмлари

Машина деб фойдали иш бажариш механизмига айтилади.

Механизм деб бир қанча деталларнинг ўзаро боғланишига айтилади.

Детал деб, маълум мақсад учун ишлаб чиқарилган қаттиқ жисмларга айтилади. Деталлар иккига бўлинади.

1. Типовой (стандарт) деталлар
2. Махсус деталлар

Типовой детал деб, машинасозликда стандарт равишда ишлаб чиқариладиган деталларга айтилади. Бундай деталлар машиналарнинг турли қисмларида ишлатилади, жумладан, тикув машинасида улар: болтлар, гайкалар, шайбалар, втулкалар, винтлар бўлади.

Махсус деталлар-деб, маълум машина учун ишлаб чиқарилган деталларга айтилади. Масалан: Поддольск машинаси учун шатун, кривошип, коромисло ва х.к.

Машинани ҳаракатга келтирувчи асосий механизмларига қуйидагилар киради:

1. Игна механизми
 2. Моки механизми
 3. Ип тортич механизми
 4. Тишли рейка (газлама сургич механизми)
 5. Тепки механизми.
- 1) Игнанинг вазифаси газламани тешиб ўтиб, ўзи билан бирга устки ипни олиб ўтиш ва игна пластинаси остида устки ипдан халқа ҳосил қилишдан иборат.
 - 2) Мокининг вазифаси игна пластинаси остида игнанинг ҳосил қилган халқасини ўз тумшуги билан олиб олиб кенгайтириш ва найча ипи билан чалиштиришдан иборат.
 - 3) Ип тортичнинг вазифаси аввало игнани, сўнг мокини устки ип билан таъминлаш, сўнг игна халқасини тортиб чиқиб, бахяни таранглашдан иборат.
 - 4) Тишли рейканинг вазифаси газламани бир бахяга суришдан иборат.
 - 5) Тепкининг вазифаси газламани босиб туришдан иборат.

ХУЛОСА

Республикамиздаги кичик тикувчилик корхоналари, қўшма корхоналар ва яқка буюртма тикиш корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар аҳолининг кийимга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шунинг учун олий ўқув юртларида, касб-хунар коллежларида, умумтаълим мактабларида, мактабдан ташқари муассасаларда талаба-

ёшларни тикувчилик корхоналарида хизмат қилишга тайёрлаш ишларига ҳамда таълим муассасаларида олган мутахассислиги бўйича билим бера оладиган малакали кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилмоқда. Республикамиздаги тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожланиши учун ўзимиздаги табиий хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тайёрланаётган маҳсулотлардан аҳоли эҳтиёжини қондириш, сўнгра сифатли ва рақобатбардош буюмлар билан жаҳон бозорига чиқиш республикамиз иқтисодиётининг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бошқа истеъмол маҳсулотлари каби, кийимга нисбатан янада юқори талаблар қўйилмоқда. Кийимларни лойиҳалаш жараёнида ишлаб чиқиляётган кийимнинг замонавийлиги, шакли, деталлари, уларнинг мутаносиблиги, безаклари ҳамда буюм чизмасини чизишда фойдаланиладиган ҳисоблаш формулалари, унинг тайёр ҳолда керакли шаклни таъминловчи деталларининг график усуллари ёрдамида қуриш назарда тутилади.

Кийимларни лойиҳалашда техник-технологик ва бадий масалалар ечимига ижодий тарзда ёндошиб ҳал қилинадиган мураккаб жараёнлар эътиборга олинади. Шунинг учун ҳам замонавий мутахассис бир вақтнинг ўзида дизайнер (рассом-модельер), лойиҳачи, технолог, маркетолог ва ўз маҳсулотини муваффақиятли сотувчи каби вазифаларини бажариши керак.

Мазкур битирув малакавий иши кийимларни лойиҳалаш, уларни тайёр буюм ҳолига келтирувчи бошқа технологик босқичларда амалга ошириладиган жараёнларни кўриб чиқиш масалаларига қаратилган.

Ушбу битирув малакавий ишни бажаришда Қ.Абдуллаева ва бошқаларнинг “Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва технология асослари”, Коблякова Е.Б. ва бошқаларнинг “Конструирование одежды с элементами САПР”, Х.Х.Комилова, Н.К.Ҳамроеваларнинг “Тикув буюмларини конструкциялаш”, Е.А.Янчевскаянинг “Аёллар уст кийимини конструкциялаш”, Г.Қ.Қулижонов, С.С.Мусаевларнинг “Енгил саноат маҳсулотлари технологияси”, “Pfaff Singer” савдо уйининг “Аёллар енгил кийимини конструкциялаш ва моделлаш” китобларидан, рус тилларда нашр этилган адабиётлар ҳамда шу соҳа бўйича интернет тизимидан олинган маълумотлардан фойдаланилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Тошкент: 1992.
2. Каримов.И.А «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда» –Тошкент. 1999.
3. А.И.Воробьев «Меҳнат талими ва касб танлашга йўллаш методикаси» Тош. Ўқ. 1980 й.
4. Қ.Т.Олимов. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси». Тош. Фан. 2004 й.
5. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент, 1997.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент, 1997.
7. Коблякова Е.Б., Ивлева Г.С., Романов В.Е. Конструирование одежды с элементами САПР. М.: Легпромбыпиздат, 1988.

8. Комилова Х.Х., Ҳамроева Н.К. Тикув буюмларини конструкциялаш.
9. Сакулин Б.С., Амирова Э.К., Сакулина О.В., Труханова А.Т. Конструирование мужской и женской одежды. М.: Изд. Центр «Академия», 2002.
10. Абдуллаева К.М., Гаипова Н.С., Алиджанов Х.К. Амалий антропология асослари. Тошкент, 2003.
11. Янчевская Е.Л. Аёллар уст кийимини конструкциялаш. Тошкент, «Ўқитувчи», 1997.
12. Кулижоновна Г.Қ., Мусаев С.С. Енгил саноат маҳсулотлари технологияси. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2002.
13. Комилова Х.Х., Ҳамроева Н.К. Кийим лойиҳалаш асослари. Тошкент, Илм-Зиё, 2005.
14. Пармон Ф.М. Композиция костюма. Москва, 2002.
15. Единая методика конструирования одежды – ЕМКО. Том 1, 2, 3, 4. Москва, 1988.
16. Мартынова А.И., Андреева Е.Г. Конструктивное моделирование одежды. Москва, 2002.
17. А.П.Рогова. «Эркалар ва болалар устки кийимини конструкциялаш асослари». Тошкент. Ўқитувчи. 1988.
18. А.П.Шершнева. «Основы конструирования женской и детской одежды». Москва. Легпромбыпиздат. 1982.
19. Г.В.Скачкова, Л.В.Мартопляс. Школа кройки и шитья на дому. Минск. "ХЭЛТОН" 2000.
20. Т.В.Козлова, Л.Б.Рыгвинская, З.М.Тимашева. «Моделирование и художественное оформление женской и детской одежды». Москва. Легпромбыпиздат. 1990.
21. Н.В.Ерзенкова. «Блузки». Минск. "Полымя". 1994.
22. Г.Н.Александрова. «100 моделей женских юбок». Минск. "Полымя". 1992.
23. П.П.Кокеткина. «Справочник по конструированию одежды». Москва. "Легкая и пищевая промышленность". 1982.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти ва уқув дастури. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни. 1999 йил - махсус сон.
2. И.Каримов. Баркамол авлод узбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент 1998 й.
3. Г.К.хасанбоева, О.И.Кримова. «Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш». Тошкент. «уқитувчи», 1990 й.
4. Т.М.Поппахужаева, Ш.А.Абдурахмонова, С.Пулатова. Хизмат курсатиш меҳнати. Тошкент. «уқитувчи». 1992 йил. 5-синф.
5. Т.М.Поппахужаева, Ш.А.Абдурахмонова, С.Пулатова. Хизмат курсатиш меҳнати. Тошкент. «уқитувчи». 1992 йил. 6-синф.
6. Т.М.Поппахужаева, Ш.А.Абдурахмонова, С.Пулатова. Хизмат курсатиш меҳнати. Тошкент. «уқитувчи». 1992 йил. 7-синф.
7. Г.Шершнева. «Основы конструирования женской и детской одежды». Москва. «Легкая индустрия». 1985г.
8. М.Ш.Жабборова. «Тикувчилик технологияси». Тошкент. «уқитувчи». 1977 йил.
9. Уй рузгор энциклопедияси. Тошкент. «уқитувчи». 1982й.

- 10.Л.П.Чижикина. «Кружок конструирования и моделирования одежды». Москва. «Просвещение». 1990 г.
- 11.П.П.Кокеткина. «Справочник по конструированию одежды». Москва. 1982г.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5-9
I-БОБ. Кийим тўғрисида умумий маълумотлар. Кийимларни	
 конструкциялашга доир дастлабки маълумотлар.....	11
1.1. Кийимнинг вазифаси ва сифати.....	11-16
1.2. Кийимнинг шакли ва бичимлари. Кийимларни	
 конструкциялашга оид тушунчалар.....	17-27
1.3. Кийимни лойihalашда одам қоматининг тузилиши роли. Одам	
 қоматини ўлчаш усуллари.....	28-33
1.4. Кийимни конструкциялашда ишлатиладиган	
 ўшимчалар.Конструкциялаш усуллариининг тавсифи.....	34-39
II-БОБ. Аёллар ва эркаклар кийимларини конструкциялаш.....	40
2.1.Елкада турадиган кийимларнинг конструктив	
 тузилиши.....	41
2.2. Аёлларнинг ўтқазма енгли, елкада турадиган	
 кийимларинингчизма асосини қуриш.....	42-44
Хулоса.....	46-47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	49
Мундарижа.....	51